

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ  
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

## ЁШ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ

фанидан маъруза матнлари

Психология кафедраси

Тузувчи:

М.Зуфарова  
М.Шобекова  
М.Исаханова

Қўқон - 2003



## 1. Мавзу: Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг предмети.

- Режа:
1. Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг предмети.
  2. Ёш ва педагогик психологиянинг тарихи.
  3. Л.С.Виготскийнинг юксак психик функциялар хакидаги назиряси.
  4. Шарк мутафаккирларининг бола тарбияси хакидаги фикрлари.
  5. Таълим-тарбиянинг хозирги асосий назариялари.
  6. Ёш ва педагогик психологиянинг методлари.

Таянч иборалар: Ёш психологияси, педагогик психология, таълим тарбия назариялари, ташкилий метод, эмпирик, натижаларни кайта тиклаш, шархлаш.

XXI аср бусагасида жуда куплаб давлатларда булгани каби дунё харитасида муносиб урин олган мустакил Узбекистонда хам барча соҳаларда туб ислохотлар бошланди. Бу ислохотларнинг барчаси инсон омилини хар качонгидан хам юкори савияга кутариб, инсон ва унинг мукаммаллиги, уз устида ишлаши, уз мукаммаллиги хусусида кайгуриш муаммоси хар качонгидан хам долзарб масалага айланди.

Миллий Дастурда эътироф этилган янгича моделдаги шахсни камол топтириш, ёш авлод онгининг таълим олиш давридаги ривожланиш тенденцияларидан тортиб, токи янгича уқитиш технологияларини бола томонидан узлаштириши ва ундаги аклий, интеллектуал кобилиятларга нечоғлик таъсири курсатаётганлигини урганиш, маънавий баркамоллик тамойилларини мактабда ва янги типдаги таълим муассасаларида жорий этиш хам шахс психологиясини теран билган холда уқитишнинг энг илгор ва замонавий шаклларини амалиётга тадбик этишни такозо этади. Ёш даврлари психологияси фанининг мавзуу баҳси боланинг тугилишидан бошлаб вояга етгунича хар педагогик ривожланиши, шахсининг таркиб топиши муаммоларини, уларнинг педагогик механизмларини урганишдан иборат.

Педагогик психология эса таълим ва тарбиянинг психологик конуниятлари ва механизмларини урганади.

Ёш ва педагогик психология алоҳида предмет сифатида XIX аср бошларида вужудга келган. Россияда мазкур соҳадаги тадқикотчилар намуналари Шарк ва Гарб маданияти таъсирида инсон рухияти билан бөглиқ катор оғзаки ва ёзма, амалий ва илмий

асарларда пайдо була бошлади. Дастьлабки педагогик-психологик мазмунидаги асарлар 17-18 асрларда диний-ахлокий тарзда ёзилган эди. 18 асрдан бошлаб болалар психологияси буйича муайян тартибга, йуналишга ва услугуга эга булган илмий фикрлар вужудга келди. Жумладан, К.Р.Ушинскийнинг «Инсон тарбия предмети», Н.Ф. Каптерифнинг «Педагогик psychology», И.А.Сикорскийнинг «Бола рухи», А.Ф.Лазурскийнинг «Мактаб укучисининг тавсифи», П.Ф. Лесгафтнинг «Оилада бола тарбияси ва унинг ахамияти» асарлари психологик илмий тадқикотни шакллантиришга хизмат килди.

И.М. Сеченов психиканинг рефлектор хусусиятини кашф килиб фан оламида кескин узгариш ясади. И.П.Павлов кашф этган катор конуниятлар, хоссалар, 2-сигналлар системаси экспериментал ишларни олиб боришга пухта замин хозирлади. Сеченов ва Павлов гояларига П.О.Эфруси, Н.Е.Рибаков, К.Н.Корников, П.П.Блонский, Л.С. Виготский ва бошкага олимлар ёш psychology буйича кимматли тадқикотларни амалга оширидилар ва янгидан-янги конуниятларни яратдилар.

XIX аср охири XX аср бошларида АҚШ ва Гарбий Европа мамлакатларида ёш psychology ва педагогик psychology фанларида илмий тадқикотларга асосланган катор асарлар пайдо булди. Америкалик психолог У.Джемс «Укитувчилар билан psychology түгрисида сухбат (1902)» асарида ёш даврининг хусусиятлари хусусидаги илмий ва амалий ахамиятга эга булган маълумотларни чукур тахлил килди. К.Бюлер фаолиятининг хар хил ёш даврлардаги ролини, фаолият турларида фантазия, тафаккур, нутқ, жараёнларининг ривожланишини, аклий фаолият хамда унинг ривожланиши боқичларини (инстинкт, дрессура, интеллект) шахснинг шаклланишида biologistик ва ижтимоий омилларнинг ахамиятини изчили урганди. Француз психологи Э.Дюркгейм биологияда ирсият канчалик ахамиятга эга булса, таклид хам жамиятда шундай урин тутишини уқтиради. П.Жаненинг (француз) фикрича, шахслараро ташки муносабатлар ривожланишнинг принципи хисобланади.

Утган аждодларимиз ёш psychologyсининг муаммоларини изчили ва атрофлича, маълум концепция асосида урганмаган булсалар хам, 4 хил манбалардан - халк ижодиёти, муайян шахсларга багишлаб ёзилган угит-насихат ва хикоятлар, комусий асарлар ва бадий асарларда бу борада кимматли фикрлар билдирган. Абу Наср Фаробийнинг «Фозил кишилар шахри», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Хикмат маънолари», «Акл маънолари» каби асарларида инсон ва унинг психикаси хакидаги ахлокий-фалсафий мушохадалари, Абу Райхон Берунийнинг «Утмиш ёдгорликлар»,

11. П.И Иванов. Тальимнинг психологик асослари. Тош. 1963 й.
12. А.В.Петровский таҳририда. Ёш psychology ва педагогик psychology. М. 1979.
13. Умумий psychology, ёки ёш psychology ва педагогик psychology курси. М. 1982
14. Гамезо ва бош. «Возрастная и педагогическая psychology» М.. 1984 й.
15. Возр.и педаг. Psychology. Под.ред. А.В.Петровского. 2 е.изу.М., 1979.
16. Возр.пед.psychology.Под ред.М.В.Гализо.идр М.1984
17. Емельянов.С.Б.Профессиональное самовоспитание учителя,М.,1983.
18. Кан-Калик.В.А.Учителю о педагогическом общении.М.,1987.
19. Л.М.Фридмақ,К.Н.Волков. Psychologyическая наука-учителю.М., «Просвещение».1985г.
20. А.А.Люблинская «Учителю о psychologyии младшего школьника.» Москва 1977.
21. Я.Л. Коломинский. Е.А.Панько. Учителю о psychologyии детей шестилетнего возраста. М., 1988.
22. Psychologyические условия формирования личности будущего учителя.
23. Межвузовский сборник научных трудов. М., 1988.
24. Н.П. Н.П.Аникеева, Psychologyический климет в коллективе, М, 1989г. «Просвещение»
25. .Е.А.Климов, Как выбирать профессию. М., «Просвещение» 1984 г.
26. В.А.Сухомлинский. «О воспитании» М.,1085 г.
27. Psychologyия труда и личности учителя. Под.пед. А.И. Щербакова. Л., 1977 (изд.II)

меъёридан четга чикмаслиги талаб этилади.

Мактабни ислоҳ килиш шароитида уқитувчининг уз устида ишлаши алоҳида ахамиятга эгадир. Психологик нуктаи назардан уқитувчи уз устида тинмай ишлаши, узининг билим ва малакаларини кенгайтириб бориши унинг фаолиятини асосини ташкил килади. Чунки: 1) уз устида ишлаш, янгиликлар излаш уқитувчи олдига кўйган вазифани хакконийлигини очиб бериш; 2) укувчига янги информацийлар бериш билан бирга, унда шунга нисбатан кизикишлар ўйготиш, авваллари олган билимларга солиштириб куриш; 3) уз касбига йуналишни шакллантириш имконини беради.

Уз устида ишлаш орқали уқитувчи уни педагогик фаолиятга татбик килади. Уз устида ишлаш уқитувчи шахсининг касбга йуналтирилган фаолиятини мазмун ва сифат жихатидан кайта куришга, умумий-сиёсий билимларини такомиллаштиришга, фан соҳасидаги янгиликларни билиш ва уни хаётга татбик этишга, маданий хаётимиздаги янгиликлар билан танишишга олиб келади.

Уқитувчининг уз устида ишлаши, изланишининг конкрет мазмуни ва шакли бир канча нарсаларга боғлик: ёшга, педагогик тажрибага, яшаш шароитига, уқитаётган преметига, кизикишларига, укувчиларнинг билим ва тайёргарлик даражасига боғликдир.

Шуни айтиш керакки, «интилганга толе ёр» дейишганидек, уқитувчи изланса, уз устида ишласа у доимо олийжаноб уқитувчи булиши мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.Каримов «Баркамол авлод – Узбекистон келажагининг пойdevori» Т., 1997 й.
2. «Таълим тургисида» Конун 1997 й.29 авг. «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»
3. Э.Гозиев «Психология» Т., 1994 й.
4. Э.Гозиев «Олий мактаб психологияси» Т.. 1997 й.
5. А.В Петровский таҳририда. Ёш психологияси ва педагогик психология. Москва 1979й.
6. Умумий психология, ёш психологияси ва педагогик психология курси. Москва 1982 й.
7. В.А Крутецкий. Педагогик психология асослари Тошкент 1976 й.
8. В.А Крутецкий. Укувчиларнинг таълим ва тарбияси психологияси 1976 й.
9. М. Г Давлетшин таҳририда. Ёш психологияси ва педагогик психология Тош. 1974 й.
10. М. Г Давлетшин. Таълимнинг психологик асослари. Тош. 1990 й.

китобида кишиларнинг жисмоний тузилиши, уларнинг узун-кискалиги тургисида билдирган фикрлари диккатга сазовордир, у узок яшаш сабабини биологик ва ирсий омиллар билан боғлайди.

Иbn Синонинг 5 томлиқ «Тиб конунлари» асарида организмнинг тузилиши, ундаги нервлар ва нерв йуллари, физиологик жараёнлар хакида анча муҳим маълумотлар бор. Унинг «одоб хакида» рисоласи хам инсон шахсини шакллантириш тургисидаги жиддий асардир.

Юсуф Хожибнинг «Кутадгу билиг» асарида бош масалалардан бири - комил инсонни тарбиялаштирдир.

Давоний узининг «Ахлокий Жалолий» асарида инсон узининг аклий кобилияти ва истеъодини тарбиялаши кераклиги, бунинг учун билимларни эгаллаши лозимлигини таъкидлайди.

А.Навоийнинг барча асарларида етук, баркамол инсоннинг ахлоки, маънавияти, одамларга муносабати, истеъоди ва кобилияти тургисида кимматли фикрлар юритилган.

Юкоридаги алломалардан ташкари Бобур, Фарогий, Мажлисий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Хамза, Авлонийларнинг ёшлар тарбиясига ахлок-одоб, фъл-атвор, оиласиб ҳаёт масалаларига, шахслараро муносабатларга доир карашлари турли жанрлардаги асарларида баён этилган.

Хозирги кунда инсон шахсини тадқик килишга хар хил нуктаи назардан ёndoшадиган бир катор назариялар (таълимотлар) мавжуд: а) биогенетик, б) социгенетик, в) психогенетик, г) когнитивистик, д) психо-аналитик, е) бихевиористик.

Биогенетик назарияда - инсоннинг биологик етилиши бош омил сифатида кабул килинади. Биогенетик конунни Ф.Мюллер, ва Э.Геккел кашф килган- улар фикрича: шахс психологиясининг индивидуал ривожланиши (онтогенез) бутун инсониятнинг тарихий ривожланишининг (филогенезни) асосий боскичларини кискача тақрорлайди. (чакалок-факат сут эмизувчи хайвон, 6 ойликда маймунлар даражасига етади, 2 ёшида оддий одам, 5 ёшда ибтидоий гала, мактабга киргач ибтидоий давр одами даражасида, 16-18 ёшда хозирги замон кишилари даражасига етади деб хисоблайдилар. Инсон зотидаги ривожланиши боскичлари филогенезни айнан тақрорламайди. Биологизм тарафдорларидан Кречмер «Конституцион назария» яратган. З.Фрейд эса шахснинг барча хатти-харакатлари инстинктларидан келиб чиқади деб хисоблайди. Албатта, биологик омиллар инсон хулкини белгиловчи бирдан бир омил эмас.

Социогенетик назария - инсон биологик тур сифатида тугилиб, хаётдаги ижтимоий шарт-шароитларнинг бевосита таъсири остида

шахсга айланади, деб хисоблайди. М.: роллар назарияси таълимоти инсон ижтимоий мухитда бажариши шарт булган маҳсус роллар унинг хулк авторида, бошқалар билан муносабатида сезиларли из колдиради деб хисоблайди.

АКШда индивидуал тажриба ва билимларни узлаштириш назарияси кенг таркалган.

Бу назарияларда инсон хаётининг ижтимоий тарихий, объектив шарт-шароитлари эътиборга олинмаган.

Психогенетик назария – психик жараёнларнинг ривожланишини 1-даражали ахамиятга эга деб хисоблайди.

Когнитивистик йуналиш-Ж.Пиаже, Дж.Келли- акл идрок функциялари хамда унинг даврлари хакидаги таълимот.

Психолог Ананьев психикани урганиш методларини 4 гурӯхга ажратади.

1. ташкилий
  2. эмпирик (амалий)
  3. натижаларни кайта ишлаш (статик)
  4. натижаларни шархлаш.
1. Ташкилий – киёслаш, лонгитюд (узлуксиз) методга комплекс (купёклама) деб номланган методлар киради.

А) киёслаш-турли ёшдаги одамларнинг билиш жараёнларини, шахс хусусиятлари, билимларни узлаштириши, аклий кобиляти, ривожланиши динасмикаси, жинсларнинг тафовутлари ва узига хослигини урганишда кулланилади. Халқ таълими системасида ва ишлаб чиқаришда «инсон омили» муаммосининг кутарилиши, вакт такчиллиги, ишчанлик имконияти, психологик мослиқ масалаларининг алохида ахамияти касб этиши мазкур методни кенг куллашни такозо этмоқда.

Лонгитюд – методи - бир ёки бир неча синалувчилар узок муддат - хотто 10 йиллаб текширилади.

2. Эмпирик методлар - кузатиш, эксперимент, тест, анкета, сурор, социометрия, сухбат, интервью, фаолият маҳсули ва уни таҳлил килиш. Улар синаш, текшириш, диагноз (аниклаш) прогноз (олдиндан белгилаш) вазифаларини бажаради. Эмпирик методлардан навбати билан фойдаланиш яхши натижада беради.

Натижаларни кайта ишлаш а) статистик ва б) психологик таҳлил турларига булинади.

а) Тажрибаларда олинган кийматларнинг ишончлилик даражасини аниклашга хизмат килади.

б) Тупланган материаллар психологик таҳлил килинганда, барча фикр ва мулоҳазалар ишончли омиллар оркали исботлаб берилади.

педагогик одоб ва муносабатларнинг асосини ташкил килади. Уқитувчи узаро муносабатларни бошқариш учун аввало, мана шу муносабатнинг сабаби ва характеристикини билиши шарт. Шунинг учун хам хозирги кунда рус психологлари (Я.Л. Коломинский, В.М. Галузинский ва бошк.) уқитувчи ва укувчилар орасидаги муносабатларни характеристири масаласини урганиб, унда укувчи хакида хулоса чиқаришга шошилмаслик, уни турли фаолиятлар процессида кузатиш, дангаса, интизомсиз укувчиларнинг ички дунёсини тушуниб, уларни кизикиш ва идеяларини, психологик йуналишини, дунёкараш ва эътиодларини билиб, унга таъсир курсатиш ва унда самимийликка – бу оркали жиддий ва талабчанликка эътибор берган холда муомала килиш максадга мувофиқлигини курсатиб бердилар.

Уқитувчининг укувчилар билан буладиган муомала услуби шундай булиши лозим. У керак ва керак булмаган ишга аралашмаслик, мактаб хаётидаги ишлар, турли хил холатларга нисбатан сабр, чидам билан муносабатда булиши, болаларни ишларига иложи борича аралашмаслик, у ёки бу тадбирларни ташкил килишда ташаббус курсатавермасликдан иборатdir(ташаббус болалардан чиқиши керак). Уқитувчи мактаб маъмуриятининг юкоридан, мактаб уқитувчиларининг «пастстрок»дан буладиган курганизмаларга кур-куронга берилавермаслиги лозим. Акс холда уқитувчи янгиликка, мустакилликка интила олмайди.

Хар кандай иш фаолиятида у узининг педагогик билим ва малакаларидан фойдаланадиган ва уни амалга, мактаб хаётига татбик киладиган булмоги лозим.

Уқитувчи укувчиларга психолого-педагогик тавсифнома тузишда хам укувчиларни хар томонлама урганиши, оиласиб шароити билан танишиши, унинг укишга ва предметларни урганишга, узлаштиришга булган муносабатларини; идрок, хотира ва тафаккур хусусиятларини, меҳнатга булган (онгли, ижобий ёки акси) муносабатини билиши; укувчининг характер хислатлари, темпераменти ва маҳсус кобиляти хусусиятларини аник билган холда ёзиши лозим. Тавсифнома объектив характеристерга эга булиши ва ундан келгусида бошқа уқитувчилар фойдаланиш имкониятига эга булишини назарда тутиб ёзилиши шарт.

Укувчи шахсини баҳолаш уқитувчининг одоби, педагогик тактика боғлиқдир. Педагогик тант (лот. *tastus* – тегиш, сезиш, одоб) атрофдаги кишилар билан муомала ва муносабатда булишда мөъёр хиссига риоя килишдан иборат ахлок нормасидир. Тант – шахснинг аклий хамда ахлоқий камолат даражасини курсатувчи мезон хисобланади. Демак, укувчи шахсини баҳолашда уқитувчи ахлок

фирларини билиб олиши ва унга озор бермаган холда таъсир курсатиш талаб килинади. Бу уринда укитувчининг педагогик одоби катта ахамиятга эга.

Педагогик одоб нима?

Педагогик одоб - бу узини педагогик жамоа ва укувчилар жамоаси орасида тута билиши, уз маъсулиятини хис килган холда педагогик фаолиятга муносабатда булиш, укитувчининг укитувчилар хамда укувчилар билан тугри ва самимий муносабатда булиши, укувчи шахсини хурмат килиши, ахлок коидаларига риоя килган холда иш куриши, уларга гамхур булишдир.

Буюк рус педагоги К.Д. Ушинский педагогик одоб хакида шундай деб ёзди: « Мактабда хазилга йул куювчи жиддийлик хукм суриши лозим, аммо хамма иш хазилга, эрмакка, сертакалуфликка, адолат тирнок ичидан кир излашга, яхшилик мулойимликка, тартиб бачканаликка айланиб кетмаслиги керак. » ( О классной дисциплине, II- томах , I том. 1953 г. 160 стр )

Педагог укувчига таъсир курсатувчи энг самарали усулларни топа олиши, тарбиявий таъсир усулларини куллашда педагогик нуктаи –назардан энг яхши чорага риоя кила билиши, конкрет педагогик вазифани, укувчи шахсининг хусусият ва имкониятларини ва муайян педагогик вазиятни хисобга олиб иш куриши максадга мувофиқдир.

Укувчилар билан булган муносабатда ва исталган педагогик таъсирни куллашда меъёри сезиш, арзимаган иш учун кескин, купол ва укувчини хафа киладиган даражада танбех бериш, укувчиларда норозилик, хафагарчилик пайдо килиш хам хакикий педагогнинг иши эмас.

Укувчилар билан булган муносабатда укитувчини адолатлилиги алохида урин эгаллади. Адолатли муносабат укувчиларни укитувчига якинлаштиради. Унинг обрусини оширади ва бундай укитувчига нисбатан укувчиларда хурмат хисси уйгонади. Адолатсизлик – купинча(хамма вакт) ёмон окибатларга олиб келади ва бундай сифат умуман укитувчига ёт булиши керак.

Укувчилар укитувчини бушанглигини, лакмалигини принципсизлигини, иродасизлигини ёкитирмайдилар. Укувчилар куполлик билан мажбур килмасдан, куркмасдан, шунингдек кераксиз расмиятчиликсиз талаб кила оладиган, шу йул билан уз максадига ериша оладиган укутвчиларни жуда хурмат киладилар.

Демак, укитувчи билан укувчилар орасидаги узаро самимий муносабат, бир-бирини тушунган холда иш куриш, укувчининг педагогик хусусиятларини эътиборга олиб уни баҳолаш, педагогик баҳога нисбатан одиллик, бола шахсиятини хакоратламай иш куриш

Шархлаш - генетик ва доналаш методларидан иборат. Генетик метод - синалувчида вужудга келаётган янги шахс фазилатларининг ривожланиши ва билиш жараёнларининг узгаришига тажриба натижасига суюниб таъриф ва тавсиф бериш, психик узаришлар билан ривожланиш белгиларининг бевосита боғликларининг илдизи аникланади. М: инсон нуткини идрок килиш учун сезги, идрок, хотира, тафаккур жараёнлари бир пайтда катнашади, уларнинг ахамияти, улуши, узаро боғликлиги асослаб берилади. Эмпирик методлар – кузатиш объектив (ташки) субъектив (уз-узини кузатиш).

Турли ёшдаги одамларнинг диккати, хис-туйгулари, нерв системасининг ташки ифодалари, темперамент хусусиятлари, сезгилари, нутк фаолиятини урганилади. Аммо ута мураккаб ички психологик кечинмалар, юксак хиссиётлар, тафаккур, мантикий хотирани тадқик этишига бу методнинг имкони етмайди. Субъектив кузатиш - психолог ёки мохир педагог уз тафаккурини кузатиб, узидағи эмоционал узгариш хакида, тафаккурнинг механизмлари вужудга келиши ва кечиши хакида маълумот олади. Натижада тафаккурнинг сифати, мазмуни, мохияти, кай тарзда, кандай тезликда, кай шаклда руй бериши кузатилади. Лекин инсон турли вазиятларда узини бир хил бошкара олмайди ва шунинг учун бу методнинг илмий ахамияти катта эмас. Сухбат методи. Муайян бир вазият ёки муаммони хал килиш жараённада инсон психикасидаги узаришлар урганилади, турли ёшдаги одамларнинг тафаккури, акл-заковати, хулк-атвори, кизикиши, билим савияси, эътигоди, дунёкараши, иродаси хакида маълумотлар олинади. Синалувчида узига хос ишлаш услуби, ошкоралик этишмаслиги, ийманиш, уялиш атрофлича маълумотлар олишни кийинлаштиради. Фаолият маҳсулуни таҳлил килиш методи – инсон хотираси, тафаккури, кобилияти ва хаёлининг хусусиятларини аниклади. (болалар чизган расмлар, ясаган уйинчоклар, модалар, ёзган шеърлар, кундалик кашфиёт, курилма, асбоб, техник модел, реферат, курс иши, маъруза, конспект, куразма куроллар) шахснинг психик хусусиятлари түгрисида маълумотлар туплаш мумкин. Тест - инглизча «синаш», «текшириш». Шахснинг аклий усишини, кобилияти, иродавий сифатлари, кандай касбни эгаллаш мумкинлиги, касбга яроклилиги, яроксизлиги, истеъдодларини ва акли заифларни аниклашда кулланилади.

Чет эл тестологлари синаш жараённада синалувчининг эмоционал холати ва салохиятига болалик руҳий кечинмаларни хисобга олмайдилар.

Тажриба-(эксперимент) методи. 2 га булинади: 1. Табиий

## эксперимент. 2. Лаборатория эксперименти.

Табиий эксперимент - ишлаб чикариш жамоалари аъзолари, илмий ходимлар, укитувчиларнинг узаро муносабатлари, иш кобилиялтлари, мутахассисликка яроклилиги муаммоларини хал килиш назарда тутилди.

Табиий шароитда инсон психикасини уранишда синалувчилик (богча болалари, мактаб укувчиларини) узлари бехабар булиши, таълим жараённида берилаётан билимлар таддикот максадига мувофикалаштирилиши лозим.

Лаборатория методи купинча индивидуал (гоҳо гурух ва жамоа) шаклида синалувчилардан яширмай, маҳсус асбоблар, йул-йуриклар, тавсиялар, курсатма ва иловалардан фойдаланиб олиб борилади. Хозирги замон психикасидаги узгаришларни аникладиган асбоблар, мураккаб электрон хисоблаш машиналари (дисплейлар) курилмалар, мослама ва жихозлар мавжуд. Диккатнинг сифатлари, идрок, сезги, хотира ва тафаккурнинг хусусиятлари эмоционал хамда иродавий ва аклий зурикиш холатлари текширилади (детекторлар, электрон ва радио улчаичлар, секундометр, тахистоскоп, эстезиометр, электроэнцефалограмма).

Тажриба- аникловчи, таркиб топтирувчи ва текшириш кисмларига булинади.

Аникловчи кисмида - психик хусусияти, жараён ёки холат, уйин, укиш, меҳнат фаолиятларида таддик килинади, объектнинг шу пайтдаги холати, имконияти аникланади, лекин текширувчи синалувчига хеч кандай таъсир утказмайди.

Таркиб топтирувчи тажрибада синалувчиларда бирор фазилатни шакллантириши, максадга мувофик муайян малакани йул-йурик ва усулни уратиш режалаштирилади.

Текшириш тажрибасида таркиб топтирувчи боскичда шакллантирилган усул, восита, йул-йурик, кунумка, малака ва шахс фазилатларинин дарражасини, баркарорлигини аниклаш, таъсиранлигига ишонч хосил килиш учун моҳияти хар-хил мустакил топшириклар берилади. Таркиб топтирувчи экспериментнинг самарааси улчанади.

Олинган натижалар микдор-статистик методларидан фойдаланган холда ишлаб чикилади.

Хозир инженер психологлар, математиклар билан хамкорликда инсон психикасининг моделини яратиш устида таддикот олиб бормоқдалар-роботлар, ЭХМлар унинг даслабки натижалариидир.

Биография методи - инсон психикасини таддик килиш учун унинг хаёти, фаолияти, иктисадиёти тугрисидаги маълумотлар муҳим

7. Коммуникатив кобилият - бу укитувчининг укувчилар билан тугри муносабат урната олиши, укувчиларга тугри ёндашиш йулини топа билиши, узаро самимий муносабатлар урната олиш, улар билан бирга хамнафас булиш кобилиятидир.
8. Педагогик хаёл – хам педагогик кобилият таркибида киради. Укитувчи узи таълим-тарбия бераётган укувчисини кандай характерли хусусиятга эгалигига караб, уни келгусида ким ва кандай инсон булишини била оладиган, унда кандай фазилатлар шаклланиши мумкинлиги олдиндан айтиб бера оладиган кобилиятидир.
9. Диккатни ташкил кила билиш кобилияти – бу – (Кругтецкийнинг «Пед.психологиянинг асослари» китобида Страхов И.В буни – диккатни таксимлаш кобилияти – деб курсатади) – укитувчини уз ва укувчилар диккатини ташкил кила билиш, укувчиларнинг турли хилдаги диккат турлари холатларидан фойдалана олиш, уз диккатини дарс жараённида таксимлай олиш ва унда бирор керакли объектни, укувчини диккат эътиборидан тушириб колдирмаслик кобилиятидир. Укитувчи шу кобилиятга эга булгандагина, у таълим жараёнини муваффакиятли уюштира олади.

(Талабаларга савол: Сизда кандай педагогик кобилиялар мавжуд? Бу кобилияларни кандай шакллантириш мумкин. Бахс.)

Педагогик кобилияларни шакллантириш учун: 1) талаба ёки укитувчи тинмай уз устида ишлаши, машқ килиши, 2) изланиши, 3) таълимнинг самарали методларидан фойдаланиши, 4) педагогик фаолиятда хамма вакт фаол иштирок этиши, 5) укитувчиларнинг дарсларига кириб, тахлил килиб, ундан узига тегишли хуласалар чикариб олиши, 6) фаолият жараённида пайдо буладиган кийинчиликларга бардош бериши, тусикларни бартараф килиши, 7) уз олдига куйган олий максадни кулга киритишига доимо интилиши ва яна, яна изланиши, 8) болани уз боласи жигаргушаси каби севиши лозим, 9) кузатувчанликни ривожлантириши ва х.к.

III. Укув фаолияти самарадорлигини таъминлашда укитувчилар билан укувчилар орасидаги психолого-педагогик масалалар муҳимдир.

Укитувчи билан укувчи орасидаги узаро муносабат аввало, укитувчининг ёшлиқ ва индивидуал муносабатларини хисобга олган холда булишга асосланиши лозим. Бунинг учун бошлангич синф укувчиси I-синфга келган укувчиларни багчада давридаги хусусиятларни билиши, укувчига сездирмаган холда ундаги салбий хусусиятларни олдини олиши, самимий муносабатлар асосида унинг

булишни уз ичига олади. Педагогик касбни танлаш мотиви педагогик кобилият жараёнида, педагогика коллежи, педагогика институтлари ва университетларда укиш давомида хосил булади. Бунда укитувчи ва мураббийларнинг роли нихоятда катта.

Булгуси укитувчи нима учун бу касбни танлашни билмоги, уни хис килмоги, керак(тусатдан пединститутга кириш ва турли сабаблар...) чунки педагогик касбга булган йуналиш, педагогик кобилиятни шакланишига сабаб булади.

Педагогик кобилият - бу шахснинг аклий, эмоционал-иродавий хислатларини ифодалаш педагогик фаолиятга кизикиш, интилиш, изланиш хусусиятидир.

Психологлардан Ф.Н.Гоноболин, Н.В.Кузмина, Н.Д. Левитова И.В.Страховлар педагогик кобилиятнинг куп киррали эканлигини курсатиб бердилар. Улар укитувчи булиш учун кандайдир бир ёки бир неча сифатлар етарли эмаслигини ва укитувчи куйидаги кобилиятларга эга булишини, ёки педагогик кобилият структурасига кирадиган кобилиятларни курсатиб бердилар. Булагра:

1. Дидактик кобилият- укитувчининг укувчиларга янги билимларни, информацияларни тушунарли килиб баён килиши
2. Академик кобилият - укитувчининг узи укитадиган предметига оид ва унга бевосита керак булган фанларни билишга булган кобилияти (М.Математик –геометрия, алгебра, астрономия, физика...)
3. Перцептив кобилият - укитувчининг укувчиларга хос хусусиятларни, уларнинг кизикишлари ва имкониятларини билган холда уларнинг калбига, ички дунёсига кириш кобилияти.
4. Нутк кобилияти –укитувчининг укув материалини аник, равон ва тушунарли баён кила билиш кобилияти. Нутк ёрдамида ва пантомимика воситасида уз хис-туйгуларини тушунтира билиш кобилиятидир.
5. Ташкилотчилик кобилияти – бу укувчиларнинг кизикишлари, идеаллари, йуналишлари дунёкарашларини хисобга олиб, таълим- тарбия ишларини ташкил килиш, укувчиларни жисплаштириш, жамоани уюштира олиш, уз шахсий ишини ташкил кила олиш кобилиятидир.
6. Авторитар кобилият - укувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир курсатиш, улар орасида, педагогик жамоа уртасида обру козона олиш кобилияти бир. Узининг талабчанлиги, самимийлиги, одиллиги билан жамоа орасида ажralиб туриш кобилиятидир.

ахамиятга эга. Таржимаи хол, кундалик хатлар, узгалар ижодига берган бахолари, танбеҳлари, тақризлари, магнитафон овозлари, фотоловхалар, хужжатли фильмлар, урганилаётган шахсни туларок тасаввур этишга хизмат килади.

Анкета методи - 3 хил тузилади. 1- англашилган мотиларни аниклашга мулжалланган саволлардан тузилган. 2- хар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади. 3- синалувчига ёзилган тугри жавобларни баллар билан баҳолаш тавсия этилади. Шахснинг лаёкати, муайян соҳага кизикишлари ва кобилятларини, узига, тендошларига, катта ва кичикларга муносабатлари аникланади. Олинган натижалар электрон хисоблаш машиналарида хисобланади, атрофлича микдорий тахлил килинади, илмий-амалий хулосалар чиқарилади. Лекин олинган натижалар хар доим хам холисона хусусиятга эга булавермайди, анкета ичидаги назорат вазифасини бажарувчи саволларни пухта ишлаб чикиш зарур.

Социометрик метод - кичик гурух аъзолари уртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни урганиш ва уларнинг даражасини улчашда кулланилади. Гурух аъзосини кайси фаолиятида ким билан бирга катнашиши суралади.

«Сен саёхатга ким билан бирга боришини хоҳлайсан? » «Имтиҳонларга ким билан бирга тайёрланишини истайсан?» Ким билан күшни булиб яшашни хоҳладинг? Ва хк. Хар бир савол социометрик мезон (улчов) вазифасини бажаради ва турмуш вокелигидан олинган гурух аъзоларининг узаро танлаш жараёни вужудга келтирилади. Шахслараро муносабатнинг даражаси аникланади, гурухдаги муносабатлар, уларнинг узига хослиги, психологик механизмлари хакида хулоса чиқарилади. Назарий ахамиятга молик гоялар олга сурилади. Амалий курсатмалар берилади, тавсиялар билдирилади. Психологик текширишлари илмийлигини янада ошириш учун комплекс илмий- тадқикотлар олиб борилмокда, (медицина, физиология биология, социология, статистика, философия кибернетика) урганилаётган объектдаги узгаришлар турли нұктай назардан тахлил килинади.

Назорат саволлари.

1. Ёш психологияси ва педагогик психология нимани урганади?
2. Ёш психологияси ва педагогик психология мустикил фан сифатида кандай ривожланади?
3. Ёш ва педагогик психологиянинг методларини айтинг.
4. Шарқ мутафаккирлари бола тарбияси хакида мавзусида мустакил иш ёзинг.

## 2-Мавзу. Психик тараккиёт ва таълим.

- Режа:
1. Тараккиёт-боланинг ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёни эканлиги.
  2. Психик ва биологик тараккиёт шартлари.
  3. Таълим мазмуни ва психик тараккиёт. Бу хакда Л.Г.Виготский таълимоти.
  4. Фаоллик - бола шахси психик тараккиёти шарти эканлиги.
  5. Ёш тараккиётини даврларга булиш.

Таянч иборалар: усиш, тараккиёт, генетик омиллар, ижтимоий омиллар, фаоллик, ёш тараккиёти даврлари.

Шахс маълум ижтимоий муносабатлар системасида шаклланган ижтимоий мавжудотдир. Хар бир тарихий даврда шахснинг узига хос хусусиятлари шу даврнинг ижтимоий-иктисодий типи ва тарбия тизимига баглик холда ташкил топади, шаклланади.

Боланинг психик ривожланиши масаласи ёш ва педагогик психологиянинг марказий масаласи (муаммоси) хисобланади. Бу муаммони тугри хал этиш ёш ва педагогик психологиянинг фан сифатида тараккий этишига хам, ёш авлодни замон руҳида тарбиялашда хам ахамияти каттадир.

Бола психикасининг тараккиёти хакида гапиришдан олдин тараккиётнинг туб моҳиятини тушуниб олиши керак.

«Ривожланиш» деганда биз «усиши», «тараккий этиш» сузларидан фойдаланамиз.

Усиш- бу микдор жихатидан ортиш, улгайишdir;

Тараккиёт - эса факат микдор жихатдан эмас, сифат жихатдан хам узгаришdir.

Тараккиёт кандай килиб, яъни кандай омиллар таъсири остида юзага келади?-бу масала энг мухим масаладир. Инсон психик тараккиётида кандай омиллар - генетик (тугма) ёки орттирилган (ижтимоий) омиллар етакчилиги муаммосидир.

Бир томондан, боланинг уз ота-оналаридан мерос сифатида узлаштирилган сифатлари, М: анатомо-физиологик хусусиятлар, мия фаолиятининг узига хослиги, тана тузилиши албатта психологик жихатдан одам боласининг мухитга мослашуви, унга эркин харакат килиши, жараёнларни онгода акс эттиришга сабаб булади. Чунки оддийгина анатомик аномалия холати (кул ёки оёкнинг калталиги) психикага ва шахснинг жамиятда узини тутишига салбий таъсир курсатади. 2-томондан, ташки мухит таъсирини хам камситиб булмайди. М: агар бола маҳсус укув масканларида укимаса, унга тарбиявий таъсирлар курсатилмаса, унинг ривожланишини кандай

иложи борича бола учун, укувчи (талаба) учун идеал булмоги, унга таклид килишига муносаб булмоги лозим. Чунки уқитувчи кулида булгуси инсоннинг тақдири ётади (буни кайтариб тақрорлайман). Уқитувчи шахсининг профессионал, яъни касбга йуналувчи сифатлари, аввало, унинг билим ва билим беришга булган эҳтиёжи, истеъодод ва кобилияти, ахлоқий сифатлари: хакконийлиги принципиалиги, талабчанлиги, меҳрибонлиги, уз бурчини хис килишидир. Уқитувчининг профессионал ахамиятга эга булган мухим сифатлари - болани севиши, укувчининг ички дунёсини тушунишга кобилятлилиги, уларга максадга мувофик педагогик таъсир курсатиши, укувчининг айни пайтдаги (хозирги) психологик холатини тушуниб, ёш хамда индивидуал хусусиятларини хисобга олиб иш куришидир.

Рус ёзувчиси А. М. Горький ажойиб совет педагоги. А.С. Макаренко хакида гапириб: «У, болаларга булган чинакам меҳр утида ёнар эди» деган. Болаларга нисбатан хушёрлик меҳрибонлик, самимийлик, сузсиз севиши машхур педагог В. А. Сухомлинскийнинг энг ажойиб хислатлари эди, унинг узи хам, калбининг болаларга булган меҳри лиммо-лим тулғанлиги хакида ёзиб бундай деган эди: «Мамлакатимиздаги барча болаларни багримга босгим ва эркалагим келади» ( Тарбия хакида, деган китобидан. 1963).

Уқитувчи узининг соглом дунёкараши, аник йуналиши, гоявий-сиёсий эътиодининг юксаклиги билан бошкalarдан ажралиб турмоги лозим. Укувчиларга, педагогик меҳнатга меҳр куйиш, болалар жамоаси билан ишлаш ва бирга булишга мойиллиги, уқитувчи ва укувчилар орасидаги узаро тугри муносабатда булиш хам унинг мухим хислатидир ва таълим тарбиянинг муваффакиятли белгилайдиган мухим омил хамдир.

Юкорида санаб утилган бу сифатларни хар бир талаба узида кандай шаклланалигини хис килиб курмоги мухимдир.

Яҳши, олийжаноб педагог булиши учун бу етмайди. Педагог юкоридаги купгина сифатлар билан бирга узининг профессионал фаолияти мотивларини англаганлиги мухимдир. Уқитувчининг профессионал мотивлари бошқа мотивлар каби мураккаб тузилишга эгадир. Бунга аввало, уқитувчи касбни танлаш мотиви киради: 1) уқитувчи меҳнат жараённада пайдо буладиган мотивлар 2) педагог фаолиятини такомиллаштирадиган мотивлар. Ушбу мотивлар уз бурчини, маъсулиятини, хис килишда ватанпарварлик ва интернационализм туйгулари асосида бевосита шаклланади.

Педагогик касбни танлаш мотиви болалар билан ишлашга кизикиш, уқитувчиларига таклид килиш, ташкилотчилик кобилияти

укувчиларга чукур билим бера олиши, дарсни фаоллаштириши ва интенсивлаштириш (тезлатиш) йулларини, муаммоли вазиятларни пайдо кила олиш ва уни укувчилар олдига кую билишдаги фаолият компонентидир.

Педагогик фаолиятнинг бу компоненти мактабни ислох килиш жараёнида жамиятимиз хаёти, ривожи учун зарур булган комил инсонни тарбиялашда укитувчилар олдига улкан талабларни куяди.

Ташкилотчилик компоненти - бу компонент конструктив компонент билан боғлиқ булиб, у бутун укув фаолияти ва тарбиявий ишларни ташкил килиш малакасидан иборатдир.

Ташкилотчилик фаолиятида уч йуналиш:

- 1) Баён этиш,
- 2) Уз хулкини дарс ва тарбиявий ишларда ташкил кила билиш, бошкариш.
- 3) Укувчилар фаолиятини ташкил килиш асосида амалга ошади.

Укув ва билиш фаолиятини ташкил килишда укувчиларнинг индивидуал иш фаолиятини ташкил килиш, жамоа фаолиятини, отоналар ва мактабга ёрдам берадиган ташкилотлар ишини бошкариш хам шу фаолиятнинг иш мазмунини ташкил этади.

Коммуникатив фаолият - бу фаолият укитувчининг укувчилар, ота-оналар ва мактаб маъмурияти билан узаро муносабатларини уз ичига олади. Укитувчи билан укувчилар орасидаги муносабат укув фаолиятнинг мазмунини кандай булишини белгилайди.

Айникса, бошлангич синф укувчилари укитувчини асосан, билим даражасига караб эмас, балки унинг сахийлиги, диккат-эътибори, эмоционал муносабатларига караб баҳолайди.

Укитувчининг укувчиларга булган эмоционал муносабатларини 5 типга ажратиш мумкин: 1) эмоционал-ижобий фаоллик,

- 2) эмоционал-ижобий пассивлик,
- 3) эмоционал-салбий фаоллик,
- 4) эмоционал-салбий пассивлик,
- 5) мувозанатсизлик.....

Бундай муносабатнинг хар бири болага тарбия ташкил курсатади ва узаро муносабатларнинг мазмунини, сифати ташкил килади. Укувчилар шу муносабатларга тарбия берилешларида уларни укишга, меҳнатга булган турли муносабатлари шаклланади.

III. Хар бир шахснинг узига хос хусусияти мавжуд. Хар бир шахснинг ижобий ва салбий хусусиятлари хам мавжуд. Аммо миллый мактаб укитувчиси шахсининг узига хос хусусиятлари ва сифатлари, кобилиятлари, менимча, хам бошқа кишиларнидан фарқ килмоги, у

булишини тасаввур килиш кийин эмас.

Бу муаммолар устида бош котирган олимлар Л.Виготский, Ж.Пиаже, С.Рубинштейн, А.Леонтьев иккала омил ролини хам инкор килмаган холда ижтимоий мухитнинг етакчи тарьсири хакидаги фикрни баравар ёклаганлар. Чунки тугри ташкил этилган таълимтарбия, оила ва ундаги узаро муносабатларнинг характеристи, шахс мулокотда буладиган ижтимоий гурухлар у танлаган касб ва касбдошлари мухити каби ижтимоий омиллар шахсининг ривожланиши, унинг уз-узини англаш ва узгаларга муносабати, билиш жараёнлари хамда интеллектуал тараккиётida катта ахамиятга эга.

Боланинг психик тараккиётida таълим-тарбия хал килувчи рол уйнайди. Хозирги кунда таълим-тарбия билан тараккиётнинг узаро муносабати масаласида бир канча таълимотлар мавжуд:

1. Таълим-тарбия ва тараккиёт жараёнлари бир-биридан мустакил.
2. Таълим-тарбия айни патда тараккиётдир.
3. Таълим-тарбия ва тараккиёт бошқа-бошқа жараёнлар булсада бир-бирига тарьсир этади.

Бу назариянинг кайси бирига кушиласиз?

Уларнинг камчилиги бола психикаси тарбия ва фаолият жараённада таркиб топишини пайкамаслигидир.

Таълим-тарбия ва тараккиётнинг узиро муносабати Л.С. Виготский томонидан куйидагича хал этилади:

Таълим-тарбия жараёни тараккиёт жараёнига мос келмайди. Таълим-тарбия тараккиётдан илгарилаб кетади ва болалар психикасининг тараккиётини эргаштириб боради.

Бола психикасининг тараккий этишида фаолиятнинг роли катта. Чунки боланинг психикаси уйин, укиш, меҳнат жараённада тараккий этади. Шахс айнан турли фаолликлар жараённада шаклланади. Психологияда шахс, унинг онги ва уз-узини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва уни уддалашга алокадор сифатлари оркали баён этилади.

Фаолликнинг 2 тури фарқланади - ташкил фаоллик, ички фаоллик. Ташкил фаоллик - бевосита куриш, кайд килиш мумкин булган харакатларимиз. Ички фаоллик - физиологик ва психик жараёнларни - фаолият кечишига тарьсир этувчи омилларни уз ичига олади. Икки турдаги фаоллик хам шахсий тажриба ва ривожланишнинг асосини ташкил этади.

Психологияда шахс тараккиётини даврларга булиб урганишга жуда катта эътибор каратилган.

Боланинг психик тараккиётни айрим даврларда кандайдир

сакраш йули билан жадал амалга ошади - тараккиётнинг кризис даври. Бу давр бир хил шароитда яшайдиган барча болаларда бир даврда вужудга келади, бу болаликни маълум ёш даврларига ажратиш имконини беради:

1. Гудаклик-тугилгандан 1 ёшгача
2. Илк болалик-1 ёшдан3 ёшгача
3. Мактабгача давр- 3 ёшдан 6-7 ёшгача (богча ёши)
4. Кичик мактаб ёши 6-7 ёшдан 10-11 ёшгача
5. Усмирлик даври – 11 ёшдан 15 ёшгача
6. Успиринлик –15 ёшдан-17-18 ёшгача

Шу нарса диккатга сазоворки, маълум ёш боскичидаги болалар фаолиятларида умумийлик бор.

Назорат саволлари:

1. Ривожланиш, тараккиёт деганда нимани тушунасиз?
2. Бола шахси тараккиётига таъсир этувчи омиллар кайсалар. Фикрларингизни асослаб беринг.
3. Фаоллик нима?
4. Ёш тараккиёти кандай даврларга булинади.

### 3-Мавзу: Бочага ва богча ёши даврининг психологик хусусиятлари.

Режа:

1. Гудаклик даврида психологик тараккиёт.
2. Эрта болалик даврида боланинг аклий ривожланиши.
3. Богча ёши даврининг психологик хусусиятлари.
4. Богча ёшидаги боланинг сенсор ва интеллектуал тараккиёти.
5. Эмоционал-иродавий хислатлари шаклланиши.
6. Мактаб таълимига психологик тайёргарлик.

Таянч иборалар: гудаклик, эрта болалик, богча ёши, сенсор ва интеллектуал тараккиёт, мактаб таълимига психологик тайёргарлик.

Бола тугилганидан 1 ёшгача булган даврда жисмоний ва психологик жихатдан жуда тез усади. Бу даврда бола куп жихатдан онгизиз булиб катталарнинг доимий ва тугри парваришига муҳтож булади. Боланинг келгусида соглом булиши ва психик жихатдан нормал усиши унинг шу даврда тугри парвариш килинишига боғлик.

Бу ёшда боланинг нерв системаси хам тез усиб боради - миянинг огирилиги 350 гр-дан 900 гр боради, (1 ёшдан 3 ёшгача 200 г

5-вазият: уқитувчининг укувчи шахсини турлича шакллантиришига, уларда билим, малака ва қуниқмаларни хосил килишга булган муносабати уни ҳар томонлама келгуси фаолиятга тайёргарлик даражаси билан боғликдир. Бу вазиятлар уқитувчининг педагогик фаолияти мазмунини ташкил килади.

Агар педагогик фаолият : 1-дан, педагогик йуналишнинг активлигини; 2-дан, ижтимоий буюртмаларни кандай бажарилишини, 3-дан, шахсни уз ичига олади. Педагогик фаолият бошқа фоалиятлар орасида энг мураккаб ва таълим-тарбия беришдан олий максадга каратилган фаолиятдир. Шунинг учун бу фаолиятнинг тури, тузилиши хам уқитувчи шахси олдига куйилган ижтимоий талабларнинг канчалик мураккаблигини курсатиши мумкин.

Педагогик фаолият турларига:

1. Таълимий фаолият.
2. Тарбиявий фаолият.
3. Ташкилотчилик фаолияти.
4. Ташвиқотчилик фаолият.
5. Уз устида ишлаш фаолияти
6. Маслаҳат бериш, болаларга йул-йурик курсатиш фаолияти.

Педагогик фаолият структурасига:

- 1) таълим-тарбиявий ишларнинг максад ва вазифаларининг мотивларини аниклаш;
- 2) укувчиларга таълим-тарбиявий таъсир курсатиш усусларини танлай олиш;
- 3) укувчиларни назорат килиш ва уларнинг фаолияти, билимларини баҳолай олиш киради.

Педагогик фаолиятнинг бу структурасида бевосита унинг компонентлари:

- 1) конструктив,
- 2) ташкилотчилик,
- 3) коммуникатив фаолиятлар ётади. Чунки, таълим-тарбиянинг максад ва вазифаларининг мотивларини белгилаш, унга таъсир этувчи усусларни танлаб олиш, куллаш; укувчиларни назорат килиш ва билимларни баҳолаш бевосита уқитувчининг конструктив, яъни таълим жараёнини ташкил этишга, унинг ташкилотчилиги ва таълимни бошкариши, укувчилар билан узаро муносабати ва уларнинг билимлари, имкониятларини баҳолай олишига, укувчилар қалбига кира олишига боғликдир.

Конструктив компонент - уқитувчининг дарс(машгулот) ва дарс(машгулот)дан ташкири буладиган тарбиявий ишларни ишлаб чикиш, унга тегишли булган усуслар ёки методларни танлай билиши,

кайта куриш уқитувчи шахси олдига катта вазифалар ва талаблар күяди.

1. Уқитувчи узининг соглом дунёкараши, аник инсоний йуналиши, гоявий-сиёсий эътиқодининг юксак даражада эканлиги, уз вазифасини вижданан бажариши;

2. Болаларга , педагогик меҳнатга меҳр куиши , болалар жамоаси билан ишлаш ва бирга булишга мойиллиги;

3. Тарбиявий ишларнинг сифатига ахамият бериш ва уларни хаётга эътиқодли килиб тарбиялаш;

4. Укувчилар, ота-оналар ва турли миллатлар орасидаги ижобий ва самимий муносабатларни урнатилиши ;

5. Таълим жараёнини такомиллаштириш, унда укувчиларни билиш ва фикр юритиш жараёнини фаоллаштириш. Мустакил, фаол ва ижодий тафаккурни шакллантириш;

6. Таълим жараёнинда укувчиларни маҳсус ва умумий кобилиятларини шакллантириш;

7. Ёшларни меҳнатга нисбатан онгли муносабатда булишини шакллантириш малакасига эга булиш;

8. Таълимнинг мазмунини такомиллаштириш ва интенсивлантиришда уни янги, самарали методларини кидириб топиш ва ундан фойдаланиш;

9. Таълим-тарбиянинг эффектив йулларини топа билиш. Укувчиларнинг психологик кобилиятларини тушуниш ва унга караб индивидуал муносабатда булиш;

10. Укувчиларни хозирги замон талабига биноан тарбиялаш, уз миллатининг урф-одатлари , ахлоклари руҳида шакллантириш каби катор вазифаларни хал кила оладиган булмоги лозимдир.

Бу вазифаларни хал килиш турли вазиятларда турлича булиши мумкин.

1-вазиятда: уқитувчининг профессионал билимларни эгаллаши, уз устида самарали ишлаши, фан янгиликларидан фойдаланиши, изланиши, уз билимларини мустакил равишда амалга тадбик кила олиши билан ;

2-вазият: уқитувчининг мустакил, фаол, ижодий иш кура билишига:

3-вазиятда: укувчилар фаолиятини анализ килиши, унинг ижобий ва салбий томонларини урганиш, улардан уз ишида фойдаланиш ёки танкидий карашга булган муносабатида;

4-вазият: уқитувчининг таълим-тарбия ишида содир булган камчиликлар ва уларга булган муносабатлари, яъни уларни бартараф кила олиши ёки сабр-каноат билан ишлаш кобилиятининг турлича булиши.

ортади) бошни тик тутиши, нарсаларни пайпаслаб ушлаш, туришга уриниш, эмаклаш, фаолиятлари вужудга келади.

Бир катор анализаторлари пайдо булиб, нормал ишлай бошлайди.

Куриш ва эшитиш анализаторлари бир мунча мураккаб йул билан ривожлана бошлайди.

Бола хаётининг 2-хафтасида секин харакат килаётан нарсаларни пайкайди, З ойликда яркирок нарсаларга тикилиб карайди, 3-4 ойлик бола онасини танийди- тафаккур элементлари пайдо буляпти - онасини бошкаларга тақкослаяпти. 6-7 ойлик бола оти айтилган нарсани курсатади, харакат хотираси пайдо буляпти. Бола билан мулоим гаплашиб турсак, унда фаоллик, катталарга талпиниш реакцияси юзага келади-«жонланиш комплекси».

Боланинг 1-йигисиёк нутк аппаратларини ривожлантира бошлайди.2-3 ойликда г, к, а товушларини чикаради, 8 ойлигидаги катталарнинг гапини тушуна бошлайди, катталарга таклид килиб нутки усиб боради. Шу тарика болада ирода, одат, хиссиёт, темперамент белгилари хам тез усиб, ривожланиб боради.

Эрта болалик (1-3 ёш )даврида бола юра бошлайди, теварак атрофдаги нарсаларни билишдаги даслабки кадамини күяди. Нутки ёрдамида атрофдагилар билан муносабатида була бошлайди. Бу эса ундаги психик жараёнларнинг ривожланишига имкон беради.

Бу даврда мия пусти хужайраларининг тобора куп шоҳсимон модда билан копланиши руй беради. **М и ә л и н** пардасининг хосил булиши кучаяди, кузгалишини утказиш анча тез ва аник булиб колади.

Бу даврда боланинг барча анализаторлари уйгун холда ишлай бошлайди.бу эса сезги ва идрокнинг усишига олиб келади, диккати бекарор булади. 1 та уйингоҳни уйнаб, дарров 2-чисига утади, лекин бу даврнинг охирида тартибсиз харакатлар, бехуда югуриш урнига бир машгулот билан анча машгул буладиган булади, 3 ёшга етганда уз-узига хизмат килиш ва катталарнинг юмушини бажариши туфайли ихтиёрий диккат усиб боради.

Асосан образли хотира устун булади катталар харакатига таклид килиши холатида харакат хотираси хам куринади.

Нуткнинг усиши 2 даврга булинади 1-давр - 1 ёшдан 1,5 ёшгача- атрофдагиларни нуткини тушуниши - пассив нуткнинг ривожланиши даври; 2-давр - 1,5-3 ёшда. Актив нутки тез эгаллай бошлайди, катталарга таклид килиб, хар бир янги сузни узлаштириб олади.

Болада нутк пайдо булгач, фикрлаш хам яхшиланади. Бу даврда тафаккур яккол образли булиб, уйинчокларни хар-хил килиб

кайта куришида куринаади.Хаёл жараёни хам усиб боради-тулкинланиб турган парданы денгизга, булутларни гулга ухшатади.

4. Богча ёши даврининг энг мухим хусусияти - унинг мустакил фаолияти билан шугулланиши, фаолият доираси кенгайиши, махсус педагоглар томонидан муайян дастур асосида тарбия берилади. Шахс тарбиясида богча даври мухим ахамиятга эга.

Бу даврда бош мия ярим шарлари пустидаги нерв хужайралари тобора мураккаблашиб боради, шохчалар усиб чикади, ва муваккат нерв болганишлари хосил булиш имконияти яратилади.

Боланинг психик ривожланишида уларда пайдо буладиган эҳтиёжлар ва кизикишлар катта ахамиятга эга . Улар болани у ёки бу хараката ундовчи омил хисобланади, бола кизиккан нарсаси билан узок вакт шугуллана олади. Бу эса унинг диккати, иродасини ривожлантиришга ёрдам беради. Богчада тугри йулга куйилган тарбиявий ишлар болаларда меҳнат фаолиятининг дастлабки белгилари хамда кизикишини таркиб топтиради. Богча хаётининг куп киррали ва сермазмунлиги болалар билиш фаолиятларининг кенгайишига ва чукурлашишига ёрдам беради, бу эса уз навбатида идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, каби жараёнларни ривожлантиради. Богчадаги тартиб интизом ва таълимий машрутлар юксак ижтимоий, интеллектуал, ахлоқий ва гигиеник эҳтиёжларнинг, юзага ошишига шароит яратади.

Эмоционал-иродавий хислатларнинг шаклланишида уйин, меҳнат фаолиятларининг, таълимий машгулотларнинг таъсири катта, Виготскийнинг таъкидлашича, бола уйинда бемор сингари йиглайди, врач сифатида унга раҳми келади, бола танлаган рол ундаги мавжуд кечинмаларнинг амалий ифодаси гавдаланади.

Эртаклар, хикоялар, спектакллар оркали хам болага эмоционал таъсир этиш имконияти туғилди. Бола мактаб таълимига bogчада тайёрланади. Укувчиларга куйиладиган хар-хил талаблар билан танишади, фан асосларини урганиши учун биологик ва психологик жихатдан тайёр булади.

Психологик тайёргарлик - бола психикаси билим олишга етарли даражада ривожланади - идрокининг уткирлиги, равшанлиги , хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг якколлиги, диккат нисбатан узок муддатли ва шартли баркарор булади, бола уз диккатини муайян объектга йуналтириш, таксимлаш, буйича маълум даражада куникмага эга булади. Уз хошиш- иродаси билан зарур маълумотлар туплашга, уз олдига аник максад ва вазифа куйишга харакат килади. Боланинг ана шу фаоллиги хотирасининг муайян даражада ривожланганини

### Мавзу: Уқитувчи психологияси.

Режа:

1. Жамиятда уқитувчининг тутган урни ва вазифалари.
2. Миллий мактаб уқитувчисига хос хусусиятлар.
- 3.Уқитувчи ва укувчилар орасидаги узаро муносабатлар.
- 4.Педагогик кобилиялар.
5. Педагогик тақтнинг психологик асослари.
- 6.Педагогик жамоадаги психологик иклим.

Таянч тушунчалар: жамият, уқитувчи, хусусият, узаро муносабат, педагогик кобилиял, тақт, психологик иклим.

Уйга вазифа: Хар ким узида булган педагогик кобилияларни тавсифномасини тузуб келиши.

Педагогик фаолият—бу уқитувчининг укув жараёнидаги фаоллигидир.

Маълумки, уқитувчи педагогик фаолиятнинг энг мухим таянчи, функциясиdir. У умумий таълимни ислоҳ килишда, ёш авлодни хар томонлама шакллантиришда мухим рол уйнайди. Халқимиз улар кулига шириндан-шакар жигаргушаларини ишониб топширадилар.Уқитувчи бола шахсини шакллантиради, маънавий, хаётий ва илмий эътиқодларни, кизикиш ва идеалларни шакллантиради.Умуман олганда, уқитувчилар кулида ёш авлодимизнинг тақдири ётади. Уларни баҳтли ва баҳтиёр , бадбаҳт ва ёмон булиши хам, олим ва золим булиши хам уқитувчиларимизга бөглиқ. Шунинг учун хам уқитувчи жамиятимизнинг етук угил кизларини тарбиялашда алоҳида урин эгаллади. Педагогик фаолият хамма фаолиятлар ичida узининг чукур инсоний мазмуни билан ажралиб туради.У узининг маъсулияти ва унинг юракдан хис кила билиши билан ахамиятлидир.Унинг мазмуни эса уқитувчи шахсининг фаолияти мотивлари билан белгиланади. Агар бу мотивлар таълим-тарбия жараёнида узокни кузлаган, маълум ижобий максадларга каратилган булса - бу олийжаноб идеалларнинг пайдо булишига, уқитувчини бола калбига чукуррок киришига, изланишига, янги билимлар системасини болаларимизга сингдиришига, уларда укишга, меҳнатга нисбатан ижобий, онгли муносабатларни тарбиялашга олиб келади ва аксинча....

Педагогик фаолият мотивларининг мазмуни таълим-тарбия ишини муваффакиятини белгиловчи омил хисобланади.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнини тақомиллаштириш ва уни

- А) Она-ватанга мухаббат, уни севиш, эъзозлашга ургатиш.
- Б) Мустакил Узбекистон тушунчасининг мохиятини укувчилар онгига сингдириш.
- В) Ёшларни халкимиз анъаналарига, удумларига, тили ва маданияти, руҳиятига хурмат билан карашга ургатиш.
- Г) Буюк даҳоларимиз колдирган маънавий меросларни асраб авайлаш, уларнинг тарихини бугунги кун учун ахамиятини идрок этиш
- Д) Ёшларда соглом куч, соглом тафаккур, иймон-эътиқодни уйготиши
- Е) Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати учун курашнинг мохиятини англаш.
- Ж) Укувчиларда униб усган юртига, вояга етказган ота-онасига ва таълим-тарбия берган устозига таъзим килиш малакасини шакллантириш.

Ватан ва ватанпарварлик эгизак

Назорат саволлари:

- Тарбия нима?
- Хозирги мустакиллик даврида тарбия жараёнида кандай муаммолар пайдо булди ва уни кандай килиб бартараф килинмоқда?
- Фаолият шахс тараккиётида кандай роль уйнайди?
- Етакчи фаолият ва шахс шакланишини кандай изоҳлайсиз?
- Умуминсоний ва миллий бойликларни шахс тараккиёти ва тарбияси таъсири тавсифномасини беринг?
- Ижтимоий фойдали фаолият ва шахс тарбияси орасида кандай боғлиқлик бор?
- Болалар жамосини кандай ташкил килинади?
- Миллий онг нима?
- Миллий гурурчи?
- Ёшларни ватанпарварлик руҳида кандай тарбияланади?
- Тарбияси кийин болалар билан кандай иш усусларидан фойдаланилади?

билдиради. Шунингдек, таълим учун психик усиш даражасидан ташкари боланинг турмуши ва фаолиятининг тафовутлари, шароитлари, узига хослиги, унинг сихат-саломатлиги, оддий куникмаларни узлаштиргани каби омиллар боланинг мактаб таълимига психологик жихатдан тайёрлигининг объектив томонини белгилайди.

Субъектив томони - боланинг мактабда укиш хохиши, интилиши, баъзи болалар мактабга бутун вужуди билан талпинади, укишга канча кун колганини санайди, укув ашёларини олдиндан тайёрлаб куяди. Бошка бола эса мактабга умуман боргиси келмайди - бу купинча катталарнинг куркитишлари натижаси булаши мумкин.

Назорат саволлари:

- Гудаклик даврининг асосий хусусиятларини айтинг.
- Эрта болалик даврида боланинг аклий ривожланиши кандай амалга ошади?
- Мактаб таълимига психологик тайёргарлик деганда нималар назарда тутилади?
- Богча даврининг узига хос хусусиятлари кайсилар?

Мавзу: Кичик мактаб ёшидаги психик тараккиёт.

Режа:

- Мактаб - бола хаётининг бошлангич даври ва унинг хусусиятлари.
- Мактабга кириш билан боғлиқ психологик кайта курилиш.
- Кичик мактаб укувчиларининг укиш фаолияти.
- Кичик мактаб укувчиларининг меҳнат фаолияти.
- Кичик мактаб укувчиларида билиш жараёнларининг ривожланиши.
- Кичик мактаб укувчилари шахсининг тараккиёти.

Таянч иборалар: мактаб, психологик кайта курилиш, психологик кийинчиликлар, укиш ва меҳнат фаолияти, билиш жараёни, шахс тараккиёти: кизикиш, уз-узини англаш, узини баҳолаш.

Кичик мактаб ёши даврига 7-12 ёшгача булган давр киради. Бола мактаб остонасига кадам куйиши билан янги хаёт фаолиятига, янги мухит шароитига кириб келади. Бу даврдан бошлаб бола фаолиятининг мазмуни хам, таварак атрофдаги нарсаларга муносабат хам узгаради. Энди у укувчи деган шарафли номга эга, унинг муайян

вазифалари ва укувчилик бурчи бор.

Бола уз хаётида янги давр бошланганлигини англайди, укиш маъсулияти унинг хатти-харакатларига, юриш-туришига, хулк-авторига катта таъсир курсатади. Мактаб ёшидаги бола мактаб коидаларига риоя килиши, дарс машгулотларига кечикмай уз вактида етиб келиши, дарсда уқитувчининг тушунтираётган материалларини тинглаб укиб олиш, топширикларни уз вактида бажариши лозим. Дарсда узини кандай тутиши, гигиена ва тозаликка риоя килиши, уқитувчи ва катталар томонидан берилган буйрук ва курсатмаларни сузсиз бажариш, жамият орасида узини кандай тутиши лозимлигини билиши керак. Яшаш шароитидаги бундай узгаришлар бола психикасининг усишига, хулк-авторига, шахснинг таркиб топишига таъсир курсатади.

Мактабга кириш боланинг хаётида унинг фаолиятини бурилиш даври хисобланади. Катталар ва тенгдошлар билан янги муносабатлар майдонга келади. Бола бутун бир янги жамоалар тизимиға кушилади. Укувчи олдига бир катор жиддий талабларни куядиган укишга – янги фаолият турига кушилиш укувчиларни уз хаётини қаътий тарзда ташкил килишдаги конун ва тартибга бўйсуншига мажбур килади. Укувчи таълим жараённида ахлоқий нормалар ва хатти-харакат коидаларини узлаштира бошлайди. Кичик мактаб ёши даврида ахлоқий хатти-харакатларга пойдевор куйилади. Таълимнинг бошланиши билан бола психикасида кескин узгаришлар руй беради, у психологик томондан кайта курилишига дуч килади.

Психологик кайта курилиш бошлангич синф укувчиларида, айникса I – синф укувчиларида кийинчиликларни пайдо килади. Бу кийинчиликлар:

1. Биринчи синф укувчилари куп харакатларни имтизом коидалари талаб килган даражада чакконлик билан, сифатли килиб бажара олмайдилар. Лекин укиш фаолияти доимий равишда интизом коидаларига риоя клинишни, 35-45 минутлик дарсларда сабр-токат билан утиришни, узини-узи тута билишни талаб килади.
2. Таълимнинг бутун мазмуни боладан ихтиёрий жараёнларни: ихтиёрий диккат, ихтиёрий идрок, хотирани ривожланган булишини такозо килади.
3. Укувчи мустакил фикр юритиши, вазифаларни мустакил бажариши лозим. Бу хусусият хамма болаларда хам бирдек ривожланмаган.
4. Бола уз бурчини англаган булиши, яхши укиш ва яхши интизомга эга булиши, интизом коидаларига риоя килиши,

- боланинг меҳнати ижтимоий фойдали меҳнат булишига;
  - ижтимоий кийматга эга булган фойдали маҳсулот меҳнат натижаси булишига;
  - меҳнат жамоа меҳнати булишига;
  - у ташабускор ва ижодий меҳнат булишига;
  - меҳнатда уз-узини уюштириш ва мустакил фаоллик курсатишнинг хар хил шакллари куланилишига ахамият бериш керак.
  - Укувчиларнинг меҳнати - уларнинг узлари учун кизикарли булиши;
  - Боланинг кучига мос булиши;
  - Укув фаолияти билан бөглиқ булиши;
  - Мехнат учун жазолашга мутлако йўл куйилмаслик керак.
  - Шуни синчилкаб пухта, вижданан бажариш меҳнат анжомларини асраш ва тежашга ургатадиган булиши лозим.
- V. Болалар жамоаси ва унинг тарбиявий имкониятлари. . .
- VI. Тарбияси «кийин» булган болалар билан ишлаш:
- а) уларнинг индивидуал хусусиятларини аниглаш;
  - б) кизикиш ва эътиқодларини хисобга олиш;
  - в) тарбиявий усулларини танлаш;
  - г) тарбиянинг маҳсус шароитларини аниглаш.

VII. Шахснинг маънавий сифатларини шакллантиришда маънавий онг ва хулк-автор бирлиги мухимdir. Ёшларни уз-узини англаши, яхши-ёмон ва адолатли-адолатсизликни хис килган холда уни уз-узига татбик килиши, узини тарбиялаш тарбиянинг психологик механизмини ташкил килади.

Уз – узини тарбиялашда 4-та вазифа назарда тутилади

- 1) узида шахснинг ижобий хислатларини тарккий этиришга ва уз хулк-авторидаги ёмон томонлардан холис булишга интилиш.
- 2) Укувчига уз шахсига танкидий муносабатда булишига, уз хулк-авторидаги хусусиятларини диккат билан ва окилона тушуниб олишида, уз камчиликларини яккол куришда, уз нуксонларини фахмлаб олишида ёрдамлашиш.
- 3) Уз-узини тарбиялаш режасини тузища, шахс хулк-автори хислатларини кайси хусусиятларини тараккий эттириш, кайсисига барҳам бериш кераклигини аниглаш.
- 4) Тарбиячи уз-узини тарбиялашнинг окилона йулларини аниглаши.

VIII. Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш  
Ватанпарварликни шакллантиришда:

сифатлар шаклланиши мумкин. Укиш ва уйинга ижобий муносабат, илмга интилишга кизикиш, меҳнатсеварлик кабилар билан, салбий муносабат эса ишёқмаслик, дангасалик узини идора кила олмаслик кабилар шаклланишига сабаб булади.

Шунинг учун хам фаолиятининг етакчи типларини уюштириш бола шахсини шаклланишига максадга мувофик таъсир этиш воситасидир...

Ахлокий эҳтиёжларнинг туб моҳияти бу: 1) инсоннинг ахлокийлиги бошкалар билан мулокотда булишини ижтимоий шарт-шароит мавжуд булишини; 2) индивдуал онгнинг ахлокий томонларни шакилланишини ижтимоий шарт-шароитдаги тарбияга боғликлиги билан белгиланади. Ва ниҳоят, хәётнинг конкрет холларини хисобга олган холда ахлокий эҳтиёжни хис-туйгуга, фикрлашига боғликлиги мухимdir.

Ахлокий фазилатларни намаён булиши ижтимоий бурч тушунчаси бола онгига кандай сингдирилишига боғлик. Бурч- бу жамият ва жамоанинг инсон олдига куйган турли-туман талабларини ифодаловчи тушунчадир. Ижтимоий бурч – кенг маънодаги тушунча булиб, бу одамийлик, ватанпарварлик бурчи, касб бурчи, ота-она олдидаги бурчdir.

III. Ёшларнинг ахлокий фазилатларини тарбиялашда умуминсоний ва миллий бойликлардан фойдаланиш мухимdir. Чунки умуминсоний ва миллий бойликлар хамда уларнинг шахс шаклланишидаги роли ахамиятлидир. Миллий анъаналар, урфодатларимизнинг тикланиши миллий, умумбашарий ва умуммаънавий кадриятларга асосланган ахлок нормаларини яратиш ва уларни болаларимиз, ёшларимиз онгига сингдириш оркали уларни жамиятимиз учун фидокор, билимдон инсон килиб тарбиялашга асос була олади.

Миллий анъаналар - хар бир халкнинг маънавий хаётининг маҳсули булиб, уша халкнинг ижтимоий фикри миллий анъаналарни уларнинг маънавий эҳтиёжига айлантиради. Миллий анъаналар ёшларда ижтимоий онгни тарбиялайди, уларнинг хар томонлама камолга етган инсон булиб етишишида мухим урин тутади. У шахс характерини ижобий томонга шаклантиришда фаол иштирок этади, ёшлар мафкурасига психологик таъсир килади.

IV. Бола шахсини тарбиялашда ижтимоий фойдали фаолият хам мухим рол уйнайди. Чунки у тарбиянинг энг кулагай шарти ва воситаси хисобланади.

Ижтимоий фойдали фаолият, меҳнат тарбия воситаси булиши учун:

уйга берилган вазифаларни бажариши унинг бурчи эканлиги хис килиши керак.

5. Диккат эътиборни уқитувчи айтганларига каратиш, уни идрок килиб эсада олиб колиш ва керак вактда уларни бошкара олиш кобилиятига эга булмоги талаб килинади. Бундай талабларга жавоб кайтариш сузсиз укувчига кийинdir. Бундай кийинчиликларни мустакил равишда енга билиш аста-секин ва мунтазам укиш жараёнида материални осондан-кийинга оддийдан мураккабга тушунтириш, болаларни укиш фаолиятига кизикитириш, дарсларни кизикарли, эмоционал ва образли баён килиш оркали бартараф килинади.

Кичик мактаб ёшида таълим жараёнини тизимли ташкил килиш болада бегамлик даврининг тугаллаганлигидан далолат беради ва укишга булган муносабатлар тобора узгара боради. Бу даврда боланинг кизикишлари уйин фаолиятидан укув фаолиятига аста секин кучиб утади. Укишга хос кизикишлар купинча болаларнинг уйин фаолиятига таъсир этади, укишга хос кизикишлар купинча уйинлар характеристи ва мазу мазмунига таъсир килади.

Укув жараёни I синф укувчиларининг диккатини узига жалб килади. Чунки укув фаолиятида завкли укувчи булиш, мактаб талабаларини адо этиш мароклидир. Сунгра укиш жараёнининг узига булган кизикиш укиш самарасига кучади. Укувчи болаларнинг муайян максадга каратилган фаолияти кизикишларни ривожлантиради. Агар укувчиларнинг ижтимоий кизикишлари, жамоатчилик хислари рагбатлантирилса, бу кизикишлар шахсни бир ажралмас хислати булиб колади таълим жараёнида укув амалларини уқитувчи томонидан назорат килиб борилиши укувчини укишга булган кизикишларини ривожлантиради ва укиш фаолияти мотивлари хам шаклланади. I синф укувчиларнинг укув фаолияти мотиви муайян бир максадга аник йуналтирилмаган булса III-IV синф укувчиларининг укув мотивлари аник бир максадни кузлашга каратилади. Улар нима учун яхши укиш, билим олиш, аълочи булишнинг мотивларини хис килади. Улар яхши укиса, билим олса келгусида мухандис, уқитувчи, шифокор булишни билади. Мактабда кирган давридан бошлаб унинг асосий фаолияти укиш эканлигини тушунган укувчи мухим ижтимоий вазифа - укиш, билим орттириш вазифасидан иборат эканини билиб олади. Кичик мактаб ёшидаги укувчиларнинг укиш фаолияти катъий равишида максадга мувофиқлаштирилгандир.

Кичик мактаб укувчиларининг укиш фаолияти билан бирга меҳнат фаолияти хам узига хос хусусиятларга эгадир.

Маълумки, мактабларда таълимнинг дастлабки боскичидан

бошлаб укувчиларни мустакил меҳнат фаолиятига амалий ва психологияк жиҳатдан тайёрлашга эътибор берилади. Бу давр ичида болаларда меҳнатга нисбатан онгли, ижобий муносабатда булиш асослари таркиб топа бошлайди. Уларда меҳнатга хавас уйгонади, меҳнатга ва меҳнат ахларига хурмат билан караш, ижтимоий фойдалари ишларда катнашишга интилиш сингари фазилатлар таркиб топади. I – IV синф укувчилари уз-узига хизмат курсатиш, турли материаллардан хар хил буюмлар ясаш, усимликлар экиб устириш, уйдаги юмушларга катнашиш каби бир канча ишларда иштирок этадилар ва бу соҳада дастлабки кунингма ва малакаларни хосил килидилар.

Кичик ёшдаги укувчилар зарур булган харакат ва амалларни дархол узлаштириб ва эгаллаб ололмайдилар ва купрок ортиқча ва чалкаш харакатлар киладилар. Меҳнат жараёнидаги турлича иш харакатларини, чунончи: тикиш, тукиш, кийиш ёки тахталарни рандалаш каби иш харакатларни кийналмасдан ва бирмунча силлик бажарадиган булиш учун хар бир ишда хар кандай харакатлар килиш кераклигини ва бу харакатларнинг кай йусинда амалга оширилишини аник билиб олиш ва эсда колдириш керак булади. Харакатларни кайта-кайта такрорлаш, машқ килиб бориш натижасида кичик ёшдаги укувчиларда учраб турадиган ортиқча ва чалкаш харакатлар йуколиб боради.

Уқитувчилар меҳнат дарсларида укувчиларнинг меҳнатига етарли даражада эътибор берилшлари, меҳнат дарсига алоҳида тайёргарлик куришлари, укувчиларнинг хар бир харакатларини зийраклик ва кузатувчанлик билан назорат килишлари, уларга индивидуал муносабатда булишлари максадга мувофиқидир.

Бошлангич синф укувчиларнинг меҳнати: 1-дан, уларни ёшлик ва индивидуал ва жисмоний ривожланишига мос булиши; 2-дан, укувчи шахсини кизиктира оладиган; 3-дан, ундан кундалик иш жараёнидаги уз-узига хизмат килишга асосланган; 4-дан, жамоа булиб меҳнат килишга, бир-бирига нисбатан хамкорлик, дустлик, уртоқлик туйгуларини шакллантирадиган; 5-дан, укувчи уз-узини тута билишга, сабр-токатли булишга, кийинчиликларга бардош беришга ургатадиган ва уларни шакллантирадиган; 6-дан, укувчи уз меҳнати натижасидан баҳраманд буладиган меҳнат хусусиятларига эга булиши лозим.

Бола уз меҳнат маҳсули синф ёки мактаб жамоасига, жамоатчиликка манфаат келтираётганлигини билиб, ундан хабардор булиб борса ундаги ижтимоий фойдалари меҳнатга булган иштиёқ яна хам ортади ва меҳнатга нисбатан фаол, ижодий ва онгли муносабат

гуур.

Уйга вазифа: укувчи шахсини тарбиялашда ижтимоий фойдалари меҳнатнинг роли.

I. Тарбия шахси шакиллантириш максадига каратилган ва унда хаётий эътиқод ва хис-туйгулар, маънавий хулк-атвор хосил килиш жараёнидир. «Таълим-тарбияни янги замон талаблари даражасига кутариш усеб келаётган ёш авлодларимизнинг порлок келажагини гармоник устириш имкониятини яратиш» (И.Каримов Узб.Р Президенти, Олий Мажлиснинг IX сес.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури) хозирги куннинг асосий масаласидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури шуни назарда тутадики, бошқа муҳим масалалар каторида Миллий кайта тикланиш мағкураси ва жамият бойликлари асосида укувчиларни маънавий ва ахлоқий хислатларини устириш, укувчиларнинг хулк маданиятини шакллантириш, баркамол наслни тарбиялаб етиштириш оркали ҳакиқий инсон килиб тарбиялаш лозим.

Хозирги замон тарбиясининг максад ва вазифалари аввало, ёшларни чинакам маърифатли киши килиб, инсон кадрини, миллий кадриятларини узлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустакил давлатимининг жаҳон хамжамиятида узига муносаб, обрули урин эгалайдиган фидойи инсонни тарбиялашдир.

II. Тарбия - маҳсус фаолият сифатида муайян дастурнинг, англаб олинган максадининг мавжудлиги билан, таъсир курсатишининг маҳсус ишлаб чиқилган ва асослаб берилган воситалари шакллари хамда усулларини кулланиши билан тасодифий ва стихияли таъсирлардан ажралиб туради. Соглом тарбиявий вазиятсиз муккаммал шахс вужудга келмайди.

Укувчиларнинг хаёти ва фаолиятини тугри ташкил килиш, ижобий ахлоқий, ижтимоий хулк-атвор тажрибаси шахснинг таркиб топишида муҳим ахамиятга эга. Маълумки, биргина фаолиятнинг узида шахснинг хар-хил ва хатто бир-бирига қарама-карши сифатларини таркиб топтириш мумкин. Бунинг асосида мактаб укувчиси амал киладиган мотивлар ётади. Бу хулк-атвор шахсан укувчининг узи учун кандай маънога эга булишига караб, унда хар-хил сифатларни таркиб топишига сабаб булади.

M: Укувчи уртогини принципиал асосда танқид килса – унда катъийлик, ҳалоллик; агар уз айбини уртогига куйиш булса – худбинлик индивидуализм, эгоизм пайдо булади.

Фаолият – одамни шахс сифатида шакиллантириш асоси хисобланади. Бола уйин, укиш ва меҳнат фаолиятига кандай муносабатда булса, унда шу фаолият асосида ижобий ва салбий

таълимнинг асоси -укитувчининг укувчиларга етказадиган мул-кул ахборотини эсда олиб колиш эмас, балки бу ахборотни олиш жараёнида укувчиларнинг узлари актив иштирок этиши, уларнинг мустакил фикр юритишини, мустакил билим олиш кобилиягини, маълумотни ошириш кобилиягини аста-секин шакллантириб боришдан иборат булмоги лозим. (назорат саволларини ёзиш керак)

### Назорат саволлари.

1. Таълим жараенини изохлаб беринг?
2. Таълим икки томонлама жараенлигини кандай тушунасиз?
3. Урганиш - кандай жараен?
4. Ургатиш кандай жараен?
5. Укув холатини турларига нималар киради?
6. Укиш фаолияти мотивларини кандай тушунасиз?
7. Таълимнинг муваффакиятига таъсири этадиган омилларга нималар киради?
8. Билим, куникма ва малака нима?
9. Куникма ва малакаларга укувчиларни кандай ургатилади?
- 10.Илмий тушунчалар кандай шаклланади?
- 11.Ижодий тафаккурни кандай шакллантириш мумкин?

### Мавзу: Тарбия психологияси.

Режа:

1. Тарбиянинг шахсини шакллантириш максадига каратилганлигининг психологик муаммолари.
2. Фаолият - одамнинг шахс тарикасида шакиллантириш асоси эканлиги.
3. Умуминсоний ва миллий бойликларнинг шахс шакланишидаги роли.
4. Ижтимоий фойдали фаолият - тарбия воситаси эканлиги.
5. Тарбияси «кийин» болалар хулкини тузатишдаги психологик масалалар.
6. Маънавий онг ва хулк-атвор бирлиги.
7. Психологияда тарбия механизmlари.

Таянч иборалар: тарбия, шахс, максад, муаммо, фаолият, умуминсоний кадриятлар, тарбияси «кийин» болалар, миллий онг,

шакллана боради.

Бола мактабда теварак-атрофдаги нарса ва ходисаларни, уларнинг хилма-хил сифат ва хусусиятларини узининг «яхши тараккий килган асаб тизимини аппарати», бош мия ва бутун сезги аъзолари воситасида бир-биридан аник фарқ килиб билиш имкониятига эга булади.

Кичик мактаб ёшидаги укувчиларда кузнинг уткирлиги рангларни ажратиш, эшитиш кобилияти богча ёшидаги болаларникига нисбатан анча такомиллашган булади. Бу сезгилар идрок килиш жараёни билан чамбарчас боғланган булади. Бола атрофдаги мухитни бефарқ идрок этмайди, лекин кичик укувчиларнинг идроки купинча ноаник характерга эга булади. Улар бир-бирига ухшаш предметларни айнан бир хил нарсалар деб кабул киладилар. Кичик укувчиларда маконни идрок килиш хам етарли даражада ривожланмаган. Улар асосий узунлик улчовлари номларини биладилар-у, лекин уларда масалан: бир километрга тенг булган масофанинг канча булиши тугрисида конкрет тасаввур йук.

Шунингдек, вактни идрок килиш хам суст ривожланган. Болалар идрокининг заиф томонларига шу нарса сабаб буладики, уларда билим ва тажриба етишмайди. Лекин шу билим ва тажриба пайдо булиб борган сари бола дунёни тобора аникрок ва тугрирок идрок кила бошлайди.

Кичик ёшдаги укувчиларнинг хотираси катталар хотирасидан куп жихатдан фарқ килади. 7 – 8 ёшдаги укувчилар хама нарсани сузма-суз ва харфма-харф узлаштириб олишга, хатто шундай узлаштиришни талаб килмайдиган, балки уз сузлари билан баён килиш мумкин булган нарсаларни хам эсда колдириши лаёкатига эга булади. Уларда образли хотира кучли ривожланади, суз-мантиқ хотираси камрок ривожланган булади. Таълим жараёнида укувчиларда маънавий хотира, эмоционал хотира ривожланади. 1-2- синф укувчиларида хотира хажми тор, 3 – 4 синф укувчиларида эса хотира хажми кенгаяди.

Мактаб таълимнинг системали олиб боришлиши бола тафаккури ривожига кучли таъсири килади. Мактаб таълимнинг бошланиши билан болаларда тушунчали тафаккур тез ривожланади. Бу тафаккур жараёнида бола тушунчалар ёрдамида иш куради. Аввалига тушунчали тафаккур аник предмет ва ходисалар билан маҳкам боғланган булади, лекин аста-секин кичик ёшдаги укувчиларда конкрет нарсадан абстрактлашиш, умумлаштириш ва мавхум хуносалар чиқариш куникмаси вужудга келади. Улар етарли даражада нарса ва ходисалар хакида тушунчаларга эга буладилар.

Лекин улар мавхум, абстракт тушунчаларни англаб олишда кийналадилар.

Болалар тафаккури билан бирга нутки хам ривожланиб боради. Лекин боланинг мактабга кираётган пайтидаги нутки маъно томонидан хам етарлича тараккий этмаган булади. Нутқдаги асосий фикрларни тушуна олмаслик, керакли сузларни топиб жумла тузга олмаслик, купинча шунга олиб келадики, укувчи хамиша хам укиб чиқилган материал мазмунинг уз сузлари Билан баён килиб Бера олмайди, уни сузма-суз айтиб беришни афзал куради. Гарчи бу вактда боланинг суз бойлиги анча ортган булсада, у купчилик холларда пассив булади.

Кичик укувчиларнинг тафаккури, нутки унинг хаёли билан бирга ривожланади. Кичик мактаб укувчилари хаёлидаги образлар хакикатга якинрок булиб, уларни анча аникрок акс эттирадилар. Улар хаёлининг характерли хусусияти яратилган образларнинг якколлиги ва аниклигидадир. Хотирада яхши сакланиб колган, олинган билимларнинг кенгайиб бориши туфайли анча бой ва хилма-хил булиб борадиган хаёл образларнинг мустахкамланиши юзага келади. Кичик укувчилар хаёли таклидчан характерли булади. Бола узи уйлаб топган, эшитган, кузатган нарсасини тиклашга уринади. Шунинг учун ундаги хаёл тиклаш характерига эга булади. Укиш жараёнида бу тикловчи хаёл мухим ахамиятга эгадир.

Юкорида баён килинганлардан маълумки, кичик мактаб укувчиларининг билиш жараёнлари, аклий тараккиётига хос хусусиятлар, унда келгусида билим эгаллаш учун имкониятлар мавжудлигидан дарак беради. Бу имкониятларни бола фаоллигини рагбатлантириш, актив, мустакил ва ижодий фикрлашга ургатиш, ундаги имкониятларни кобилият даражасига етиши учун тинмай характерат килиш оркали шакллантириб бориш талаб килинади.

Кичик мактаб ёши даврида бола шахсининг шаклланиши давом этади. Янги фаолиятга утиш укувчи боланинг уз асосий фаолиятига янги муносабатни пайдо килиди. Унда бурч хисси уса бошлайди. У укиш шарт эканлигини ва у унинг бурчи эканлигини, белгилаб куйилган коида ва талаблар бажарилиши шартлигини англайди. Укувчи узини укувчикидек хис килиди ва унда яхши укишга эҳтиёж пайдо булади. Бу даврда ахлокий хатти-харакат коидалари узлаштирилади, шахснинг ижтимоий йуналиши таркиб топа бошлайди.

Кичик мактаб ёшидаги укувчиларнинг ахлокий онглари I ва IV синфдаги укиш мобайнида мухим узгаришларга учрайди ва ахлокий сифатлар, билим ва тасаввурлар сезиларли даражада бойийди ва бола

хоссаларини топишга, амалий вазифаларни хал этишга канчалик тадбик эта олишларини аниклаш йули билан текшириш талаб килинади. Натижада укувчилар узлаштирган билим ва тушунчаларнинг хакикий эканини тасдиклайдилар ва улар онгода таркиб топаётган тасаввурлар, тушунчалар вокеликни канчалик тугри акс эттиришни аниклаш имконини беради.

Укувчиларнинг фикр юритиш фаолияти маҳсус аклий жараёнлар асосида амалга ошади. Яъни материални мухим ва мухим булмаган хусусиятларни аниклаш, улар уртасидаги тафовутлари белгилаш оркали бола мустакил фикр юритади. Педагогик психологияда укувчиларнинг аклий фаолиятида конкретдан абстракга - буюмлар ва ходисаларнинг узини куришдан улар хакида тушунчалар таркиб топтиришга хамда таърифлар, конунларни узлаштиришга, буюмлар тушунчаларнинг умумлаштирилган умумий хусусиятлари ва сифатлари хакида мавхум фикр юритишга утиш жараёни катта урин эгаллайди. Таълим жараёнида ижодий тафаккур шаклланиб боради. Ижодий тафаккур максадни амалга ошириш йулида тугиладиган саволлар асосида («бу нима учун шундай килинган», «бундай килса булмайдими?» ва х.к) пайдо булади ва саволларга жавоб берувчи иш-харакатларни тасаввур килиш ва уйлашда ривожланади. Ижодий тафаккур амалий тафаккур (теварак-атрофдаги вокеликни узлаштириш йули билан узимизга керакли реал нарсаларни ва ходисаларни олишга ёки яратишга каратилган тафаккур) асосида пайдо булади. Амалий тафаккур узига хос хусусиятга эга. Яъни амалий мухокамаларда укувчини обьектларга, муайян максадларга таъсир утказиш йули билан шу обьектларга узгартириш мумкинлигига катъий килиб айтилади ёки рад килинади. Натижада «буни бундай килиш мумкин ёки килиб булмайди», «бу мана шундай килинади» деб уни уз мухокамаларида акс эттиради. Мактабларда купинча фанларни урганиш вва уни саноатда, кишлек хужалигига тадбик килиш укувчиларнинг ижодий тафаккурини усишига ёрдам беради. Укувчиларда техника ихтирочилик, саноат, кишлек хужалиги масалаларига булган кизикишлар, моделлар, конструкциялар ясаш, электротехника билан шугулланиш, дала ишларида катнашиш кабилар ижодий тафаккурни шаклланиши ва ривожланиб боришида энг асосий усуслардадир.

Хозирги кунда укувчиларнинг билиш фаолиятини фаол, мустакил, ижодий тафаккурини авж олдириш мактаб таълимининг энг мухим вазифаларидан бирига айланиб бормокда. Демак,

тушунчалар шаклланиб бориши мухим масалалардан биридир.

Хар бир фанлар буйича бериладиган билим ва тушунчаларни узлаштириш жараёни бевосита укувчиликни психик жараёнларни ривожланиб боришига уларда кобилият ва кизикишларнинг шаклланишига таъсир курсатиш билан бирга уларни аклий ва ахлокий жихатдан шаклланишига ёрдам беради. Чунки умумий маълумотлар мактабларда фан асослари, яъни узаро мантикий болгандан, укувчиликни ёшига мос ва табиат жамият хамда тафаккурнинг мухим тараккиёт конунларини тугри тушунишга ёрдам берувчи фаннинг асосий томонлари урганилади. Шунинг учун хам укув фанларининг тузилиши дастурлар мактабнинг таълим-тарбия вазифаларига, укувчиликнинг ёш хусусиятларига жавоб берадиган булиши лозим. Шундагина ёш авлодни хар томонлама камол топган шахс килиб тарбиялашда катта ахамият касб этади.

Илмий тушунчаларни эгаллаш, муайян фактларни турмушдаги нарсалар орасидаги богланишларни идрок килиш, уларни изохлай билиш, мустакил равишда умулаштира олиш ва хуносалар чикара билиш демакдир.

Бошлангич синфданок табиат ва жамият хаётидаги ходисалар конунияларни очиб бериш ва уларни укувчи онгига сингдириш жараёнида укувчиликни чукур илмий билимлар билан куроллантириб бориши, максадга мувофиқдир. Шунинг учун укитувчи уз фанини канчалик содда усулда баён килмасин, у чукур илмий булишни талаб килади. Таълимнинг илмий булиши тугрисидаги талаб укитувчининг укув материали мазмунигагина эмас, балки унинг шу материални ёритиб бериш характеристига ва укувчиликнинг бу билимларни узлаштириб олишларига хам боғлиқдир. Укитувчи укувчиликни уйлашга, фикр юритишга ургатиши зарур.

Урганилаётган воқеалар ва нарсаларни улар хакидаги оғзаки ахборотларни идрок этиш жараёни, тасаввурлар, образлар тушунчаларни таркиб топтириш жараёни белгиларни таккослаш, чогиштириш, кисмларга ажратиш, умумий жихатларни топиш, анализ ва синтезни уз ичига олувчи актив тафаккур шуни талаб килади.

Билимларни узлаштириш, тушунчалар хосил килиш жараёни бу билан тугалланмайди. Укувчилар билимларни тугри узлаштирганликларини, улар олган билимларни янги воқеаларни билиб олишга кандай тадбик эта олишларини, янги факт ва мисолларни тушунтиришга, янги обьектларнинг маълум

узини-узи англай бошлайди. У узига хос булган яхши-ёмон хусусиятларни билмаса хам, лекин у узини менлигини хис килади. Узининг вазифаси, хозирги вактдаги максади, уни бажариш лозимлиги, уйга берилган вазифаларни бажариш унинг бурчи эканлиги, такрорлаши лозимлиги кабиларни англаб этади.

Мактаб таълимнинг дастлабки йиларида кизикишлар, хусусан, билим эгаллашга кизикишлар, интеллектуал кизикишлар сезиларли даражада ривожланади. Психологларнинг таъкидлашича, даставвал айрим фактларга, бошка нарсалардан ажратиб олинган ёлгиз ходисаларга нисбатан кизикишлар хосил булади. III - IV синфларда эса, сабабаларни, конунияларни, ходисалар уртасидаги алока ва узаро боғликларни билиб олиш учун булган кизикишлар ривожланади.

III синфдан бошлаб укишга кизикиш дифференциаллаша бошлайди. Укувчиликнинг бундай кизикишлар узини англаш ва уз хатти-харакатига бахо бериши каби хусусиятларни шакллантиради.

Демак, кичик мактаб ёшида таълимнинг таъсири билан болаларнинг психик ривожланишида жиддий силжишлар юз беради. Бу уларни хаётларининг маъсуллиятли даври булмиш буришига, яъни эсмирилик даврига утиш учун тайёрлайди.

Назорат саволлари:

1. Мактаб хаётининг бошланиши даврида болаларга хос хусусиятлар нимадан иборат?
2. Мактабда болалар кандай психологик кийинчиликларга дуч келадилар?
3. Укиш фаолияти хусусиятлари нимадан иборат?
4. Укув фаолияти мотивларини изохлаб беринг?
5. Укувчиликнинг меҳнат фаолияти хусусиятлари тавсифномасини беринг?
6. Кичик укувчиларда диккат, сезги ва идрок хусусиятлари?
7. Хотира ва тафаккурда кандай узгаришлар руй беради?
8. Аклий тараккиёт резервлари деганда нимани тушнаасиз?
9. Укувчиликни уз-узини англаши ва кизикишлари кандай шаклланади?
10. Кичик укувчилар ва укитувчилар орасидаги узаро муносабатлар кандай характерга эга булиши лозим?

## Мавзу: Усмирларнинг психолигик хусусиятлари

Режа:

1. Бола тараккиётида усмирлик ёшнинг тутган урни.
2. Усмирлар ва катталар уртасидаги узаро муносабатлар.
3. Усмирларнинг уз тенгқурлари билан муносабати.
4. Усмирнинг укиш фаолияти ва уз-узини англаши.
5. Усмирларнинг аклий-интелектуал тараккиёт.

Усмирлик – болалиқдан катталикка утиш даври булиб, физиологик ва психологик жихатдан узига хос хусусиятлари билан характерланади. Бу боскичда болаларнинг жисмоний ва психик тараккиёти жуда тезлашади, хаётдаги турли нарсаларга кизикиши, янгиликка интилиш ортади, характеристер шаклланади, маънавий дунёси боййиди, зиддиятлар авж олади. Усмирлик балогатга етиш даври булиб, янги хислар, сезгилар ва жинсий хаётга тааллукли чигал масалаларнинг пайдо булиши билан хам характерланади.

Булар таъсирида усмирнинг характеристер, атрофдаги кишилар билан муомаласи, жамиятда содир булаётган воеаларга муносабати тез узгариб боради. Баъзан ижтимоий масалалар тугрисида нотугри тасаввур ва янгилик фикрлар хосил булиши туфайли у муайян тартиб-коидаларга танкидий куз билан карайди.

Усмирда психик жараёнларнинг кескин узгариши билан аклий фаолиятида хам буришлар сезилади. Шунинг учун шахслараро муносабатда, укувчи билан укитувчи мулокотида, катталар билан усмирларнинг муомаласида катъий узгаришлар жараённада кийинчиликлар пайдо булади. Булар аввало таълим жараённада руй беради: янги ахборот, маълумотларни баён килиш шакли, услуги ва усувлари усмирни конктирумай куяди.

Одбли, дилкаш усмир кутилмаганда кайсар, интисомсиз, купол, серзарда булиб колди. Усмир хулкидаги бундай узгаришлар тажрибасиз укитувчи ва ота-онасини каттик ташвишга солади.

Хуш, усмирларнинг психик утишини характеристика келтирувчи куч нима? Усмирнинг психик утишини характеристика келтирувчи куч - унинг фаолиятини вужудга келтирган янги эҳтиёжлар билан уларни кондириш имкониятлари уртасидаги қарама-каршиликлар тизимининг намоён булишидир. Вужудга келган зиддиятларни психологик камолотни таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш оркали усмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб топтириш билан аста-секин йўкотиш мумкин.

Хозирги усмирлар утмишдошлирига нисбатан жисмоний,

олиш хронологик ракамларни, формула ва коидаларни билишда булиши мумкин. Лекин материални ёд олишда унинг мазмунига алоҳида эътибор бериш лозим. Агар ёд олингаётган материални мазмунига тушуниб, уни бир-бирига боғлаб укиб олишга эътибор берилмаса, ундан холда курук ёд олинган материал тезлик билан унутилади ёки у укувчидан баҳо олгунга кадар етади ва кейин эсидан чикади.

Укитувчи укувчиларни укув материалларни узлаштиришларида бунга албатта эътибор беришлари лозим.

Шунингдек, таълим жараённада укитувчи берган янги билим ва информацияларни укувчилар томонидан узлаштирилганликларини билишда таълимдаги кайтарма алоқа мухимдир. Кайтарма алоқа жараёни хамма жараёнлардан хам айникса янги мавзуларни мустахкамлаш ёки утилган мавзуни такрорлаш жараённада булади. Укитувчи синф укувчиларини узлаштирган янги мавзу мазмунини аниклашда мавзу буйича куплаб майдо саволлар бериш ва карточкалар тарқатиш оркали амалга ошириш мумкин. Кайтарма алоқа оркали мавзуни мазмунини кандай узлаштириб олганини аниклаш ва у келгуси мавзуни муваффакиятли узлаштириш гарови булади.

Билимларни узлаштириб бориш турли куникма ва малакалар хосил килишга таъсир курсатади. Хар кандай куникма билимларсиз булмайди. Таълими куникмалар (ёзиш, укиш ва хисоблаш урганиб олиш) куникмани биринчи турига киради. Куникма ва малакаларни иккинчи турига умумий меҳнатга доир булиб, улар касб-хунар таълими жараённада такомиллашади. Шунингдек, бу куникма ва малакалар синфдан ташкири машгулотларда фанлар буйича тугаракларда, кул меҳнати дарсларида: когоздан, картондан, газламалардан, пластилиндан, турли нарсалардан тайёрлаш йули билан хосил килинади. Хар бир укитувчи куникма ва малакалар хосил килишни конуниятларини билмоги лозим.

Куникма, малакалар куйидаги конуниятларга асосланади.

1. Малакалар хосил килишдаги нотекисликлар (яъни: бунда ижобий ютуклар билан бирга хато, нотугри характеристикалар хам килинади.) Хамма укувчиларда хам малакалар бир хил шаклланавермайди.
2. Малакалар кучиши ва тормозланиши мумкин. Бунда(белгилари мустахкамланган малакалар янги малакаларни хосил килишга ижобий таъсир килади) ва янги малакаларни узлаштириши тезлашади.
3. Малакалар юксалиши ва пасайиши мумкин.

Бунда машк катта роль уйнайди. Таълим жараённада билим ва

амалга татбик килишда, бевосита ишлаб чикариш ( завод, фабрика, курилиш ва хоказо) билан боглик булишда катта ахамият касб этади ва болани келгуси хаётга, фаолиятга, касбга тайёрлайди.

4. Таълим жараёнини муваффакиятли ташкил этиш унга таъсир этувчи омилларга хам bogлиқdir. Bu омиллар ички ва ташкил омиллардир.

Ички омилларга –диккат ва установкалар киради. Яъни таълим жараёнида укитувчининг укувчилар диккатини ташкил килиши, уларни турли холатларида турлича диккат хусусиятларидан фойдалана олиш, диккатнинг баркарорлик ва ихтиёрийлик хусусиятини шакллантиришдаги усуллардан фойдаланиб укувчи диккатини ривожлантириб боришдир. Шунингдек, укувчиларнинг хам узига жалб килиш, узлаштиришга кийналадиган, диккати таркок укувчилар билан узаро муносабатлар урнатиш таълим муваффакиятини белгилайди.

Бола хар кандай таълим жараёнида хам, у болани кизикитирадими, зериктирадими ундан катъий назар, дастур мазмунини эгаллашга тайёр туришлари куп жихатдан укитувчи шахсига bogлиқdir.

Шунингдек, ички омилларга укувчининг дангасалиги, ишёкмаслиги, уз иродасини ташкил кила олмаслиги, лаёкатининг пастлиги хам киради.

Ташкил омилларга укув материалларининг мазмуни ва шаклини максадга йуналтириш даражаси, укувчининг бир синфда икки йил колиши, бир мактабдан иккинчисига кучиб утиши, укитувчиларнинг узариб туриши ва уларни укув жараёнига муносабати, укувчини касал булиб колиши кабилар киради. Булар укувчиларни билимларни узлаштириши ва уни укиб олишга таъсир килади ва хатто узлаштириш жараёнини пасайишга сабаб булади.

Таълим мазмунини тула ва чукур узлаштиришда такрорлаш мухим ахамиятга эга. Бунинг учун такрорлаш аник бир максадга каратилган булиши, у онгли яъни англанган булиши, такрорлаш материални эсдан чикармасдан олдин булиши, такрорлашда ассоциация конунларига риоя килиб, материални бир-бирига boglab такрорланиши, кийин материалларни энг мухим хусусиятларини ажратиб, уни ён дафтарга ёзиб ёки тагини чизиб такрорлаш мухимдир. Энг асосий такрорланган материални онгда кайта жамлаб чикишdir. Бунда укиб урганилган материал ётиш олдидан ёки бошка машгулотлар билан шугулланиш жараёнида уни ичиди такрорлаб чикилса узлаштирилган ва узлаштирилмаган материал аник билиб колади ва укувчи узлаштирилмаган материални китобни очиб укиб олса у материал унинг билим бойлигига айланади.

Такрорлашда ёд олишни ташкил килиш хам ахамиятлидир. Ёд

аклий ва сиёсий жихатдан бир мунча устинликка эга. Уларда жинсий етишиш, ижтимоийлашув жараёни, психик усиш олдинрок намоён булмокда. 10-11 ёшдан 14-15 ёшгача усмирлик даври хисобланади.

Усмирда руй берадиган биологик-жисмоний узгариш натижасида унинг психик дунёсида туб бурилиш нуктаси вужудга келади. Буйга усиш бир текис бормайди: киз-болалар 5-7 см уссалар, угил болалар 5-10 см усадилар. Буйига караб усиш пайсимон илк суюкларнинг узунлашиши ва умуртка кисмининг катталashiши хисобига руй беради.

Огиз бушлиги ва халкумдаги узгаришлар окибатида товуш тембри хам узгаради. Бу угил болаларда киз болаларга нисбатан купрок даражада содир булади. Угил болаларнинг товуши вазминрок булиб колади, дуриллайди.

Гарчи бу даврда мушаклар тез суръат билан усса хам, мустахкамлашса хам, лекин барибир оёк ва кул суюкларнинг усиш суръати оркада колади. Усмирларда бу хусусият уларнинг бесунакай хатти-харакатларида, юриш-туришларидаги куполликка, катта-катта одим ташлашларига сабаб булади.

Кукрак кафаси хам гавданинг буйга усишига нисбатан секин ривожланади. Бунинг натижасида айрим усмирларнинг елкаси, кукраги тор булиб колади, бу эса уз навбатида кислород етишмаслигига, нафас кисишига олиб келади. Кислород етишмаслиги натижасида руҳий фаолиятга путур этади. Бу даврда юрак кенгайиши билан кон томирлари хам йугонлашади. Кон айлашиш системасининг кайта курилиши, вегетатив нерв системасидаги баркарорлик кон айланишини бузади ва усмирда баъзи кон босимининг ортиши руй беради.

Бу даврда айникса жинсий безлар фаолияти кучаяди. Гоҳо усмирлар орасида ахлокан тубанлашув холлари руй бериши мумкин. Ижтимоий хаётда ярамас одатларни келтириб чикарувчи анчагина сабаблар бор: биринчидан кинозаллари ва телевидениядан усмирларга тугри келмайдиган фильмларни курсатилиши, иккинчидан, жамоат жойларидаги катталарининг ножоиз харакатларни курсатишлари, учинчидан, таълимда биологик усиш тугрисида етарли билимлар берилмаслиги, туртинчидан ота-оналарда физиологик ва психологик билимлар етишмаслиги ва хокозалар.

Усмир узининг кобилияти ва кучини тугри баҳоламай туриб, мураккаб хаётий масалаларни хал килишга уринади, аммо фикр юритиш кобилияти юзаки булганлиги сабабли кундалик хаётида катор камчиликларга йул куяди. Лекин у уз хотосини тан олишдан кура катталар билан баҳслашишни афзал куради. Танкид килган кишиларни

ёктирилмайды, хар бир танкид гүёки уни менсимаслик белгиси, атайин килинаётган иш булиб куринади. Бунинг натижасида усмирнинг психик фаолиятида салбий узгаришлар юзага келади. У мустакил, узбошимчалик билан иш тутишга уринади, катталарнинг маслахатига эътибор бермайды. Айрим усмирлар узининг катталар сафига кушилганлигини намойиш килиш учун турли хил одатларга ургана бошлайдилар. Ота-оналар ва педагоглар усмирлар билан алохиди ишлаб, уларнинг қунглини топиши ва хатти –харакатларини уз вактида тугри йулга солишлари лозим.

Усмирлик ёши дунёкараш, эътикор, принцип, узлигини англаш, баҳолаш кабилар шаклланадиган давр хисобланади. Усмир уз фаолиятини муайян принцип, эътикор ва шахсий нуктаи назари асосида ташкил кила бошлайди.

Усмир шахсини таркиб топширишда унинг атроф мухитга, ижтимоий ходисаларга, кишиларга муносабатини хисобга олиш лозим.

Психологлар утказган тадқикотлардан куринадики, усмирларнинг купчилигини катъиятлилик, камтарлик, магрурлик, самимилик, дилкашлик каби маънавий, ахлокий тушунчаларни тугри англайди. Уларнинг турмуш тажрибасида фан асосларини эгаллаш натижасида баркарор эътикордий ва илмий дунёкараш таркиб топади, шулар замирида ахлокий идеаллар юзага кела бошлайди.

Усмир угил-кизлар шахсининг камол топишида узини англаш жараённида узига баҳо бериш майли ва истаги узини бошка шахслар билан таккослаш, узига бино куйиш эҳтиёжи пайдо булади. Булар эса усмирнинг психик дунёсига аклий фаолиятига, теварак-атрофга муносабатнинг шаклланишига таъсир килади.

Усмирлик ёшида психологик жихатдан энг мухим хислат - вояга этиш ёки катталик хиссининг пайдо булиши алохиди ахамиятга эга. Катталик хисси ижтимоий-ахлокий соҳада, аклий фаолиятда, кизикишда, муносабатда, кунгил олиш жараённида, хулк-атворнинг ташки шаклларида уз ифодасини топади. Усмир уз кучи ва куввати, чидамлилиги ортаётганини, билим савияси кенгаяётганини англай бошлайди.

Усмирлик даври хусусиятларини талкин килган П.И.Левентуев, Д.Б.Эльконин, Т.В.Драгуновнинг таъкидлашича, угил ва кизларнинг бу ёшда уртоклари билан муносабатларга интилиши, тенгдошлари жамоасининг хаётига кизикиши еркин намоён булади.

Усмирларнинг жисмоний усиси ва жинсий этилиши уларнинг психикасида кескин узгаришларни вужудга келтиради. Укув фанларнинг купайиши, ахборотлар. маълумотлар тармогининг

уйинларда хаёл килади, ижод килиш элементлари куринади, фикр юритади, уларни уз нуткида баён этиш оркали ривожланади.

Мехнат фаолияти укувчи шахсига хар томонлама таъсир килади. Хар томонлама ривожланиш шахсни тарбиялашнинг асосий шарти, шахснинг онгли фаоллигидир. Мехнатда укувчи шахсининг характеристи ва иродаси тарбияланади, кузатувчанлиги, диккати ривожланади. Мехнат фаолияти укувчиларда нарсаларнинг узини ва уларнинг шаклларини, характеристики масофани ва бошкаларни эсда колдириш билан боғлиқдир. Одамнинг онгли ва максадга каратилган меҳнат фаолияти хар вакт маълум мотивларнинг булишини такозо килади. Меҳнат фаолиятида мотивлар одам эҳтиёжлари сабабли пайдо булади. Укувчиларнинг укув фаолиятига кизикишлари у ёки бу фаннинг узлаштиришга интилиши, билимларини кенгайтириш хам маълум мотивлар асосида булади.

Укиш фаолияти жараённида укиш, урганиш мотиви узгаради ва таркиб топади. Укиш фаолияти дастлабки йилларда укувчи уйда уни уришмасликлари учун, яхши баҳо олиш максадида укиши мумкин. Урта мактаб йилларида укув предметларига дифференциал кизикиш пайдо булади ва шу асосда фан муаммоларига кизикиш юзага келади ва натижада усмирларда билимга булган кизикишларини кондиришга каратилган билимларни эгаллаш мотивлари пайдо булади.

Маълумки 1997 йил 25 авгуистда «Таълим тугрисидаги конун» кабул килинди. Унинг II бобида таълим тизими ва унинг турлари аник курсатиб берилди. Унга мувофиқ, таълим уз Давлат тили, дастури ва таълим муассасаларни билан белгиланиб, у ягона ва узлуксиз таълим тизимидир. «Таълим тугрисидаги Конун»га биноан, болалар ёшлигидан бошлаб то ишлаб чиқариш жараённида хам таълим олиш хукукига ҳақлидирлар. Умрининг охиригача хам инсон вокеликни тинмай урганиб боради. Таълим турлари мактабгача таълим, умумий ва урта таълим, урта маҳсус таълим, олий таълим, олий укув юртларидан кейинги таълим, малака ошириш, мактабдан ташкари таълим, оиласидаги таълим тизими билан изохланади. Бу таълим тизими ёшларга билим, кунишка ва малака бериш билан кифояланмай, балки уларнинг комил инсон килиб этиштириш каби буюк вазифаларни бажаради. Укувчилар билими хаёт тажрибалари билан боғланган булиши лозим. Фан асосларини хаёт билан, мустакил ривожланиш амалиёти билан мустаҳкам боғлаб урганиш, уни ишлаб чиқиш меҳнати билан кушиб олиб бориш талаб этилади. Шундагина укувчилар билимларини ошиши ва бойиши учун, укувчи шахснинг таркиб топиши учун катта имкониятлар вужудга келади. Укув амаллари ва ургатувчи амаллар укувчини назарий олган билимларини

«Мысль» 1965.383 бет) Таълим жараёнини бошкаришда П.Я.Гальпериннинг узлаштириш жараёнини махсус ташкил килиш, таълимни этаплар асосида ташкил килиш назарияси мухимdir.

Бу этаплар куйидагича :

I –боскич - Болага узлаштириш учун йул-йуриклар курсатилмайди.

II-боскич - Узлаштириш учун йул-йуриклар курсатилади ва укувчи уни бажаришга киришади.

III-боскич - Моддий харакат боскичи булиб, бунда харакат ё предметларда ёки уларнинг тасвирларида (схема, чизмалар, макетлар ва хоказо) олиб борилади, улар нарсалар билан таккосланилади.

IV- боскич - Кейин шу харакатларнинг узини нарсаларга таянмай баланд овоз(нутк) воситасида бажарилади.

V- боскич - баланд овоз воситасида харакат килишни ички режага кучириш – бу худди уша ташки нуткнинг узи, лекин «уз ичиди харакат килиши»дир.

VI- боскич – ички нутқдаги «узи учун» харакат кисмидир.

Акний харакатларни боскичма-боскич таркиб топтириш шу жараён кайси шарт ва усууллар ёрдамида таркиб топган булса, ана шу шарт ва усууллар тизими томонидан детерминлаштирилган экан, бу уларни эгаллаш, бошкариши мумкин эканлигини англатади. П.Я. Гальперин раҳбарлигига утказилган тадқикотлар фикрлаш харакатларини курсатиб утилган принцип буйича таркиб топтириш таълим жараёнини самарали бошкариш имконини беради.

2. Кишининг фаолият жараёни одамнинг узини ураб олган объектив дунёга фаол муносабатда булишининг энг мухим шаклларидан биридир. Шу фаолият туфайли одам билан ташки дунё уртасида реал болганиш амалга ошади.

Педагогик психология укув холатларинг асосий шаклларини уйин, таклид килиш, меҳнат, тақрорлаш ва ёд олиш, синаб куриш ва хатоларни аниқлаш, машкланиш ва укув вазифаларини ҳал килиш, мустакил фикрлаш, шунингдек хиссий алока килиш, нарсаларни кул билан харакатга келтириш ролли уйинлар, укув профессионал фаолият кабилар билан белгилайди. Буларнинг хаммаси таълимни муваффакиятли узлаштиришга, урганиш фаолиятини енгиллаштиришга, янги билимлар хакида чукур тасаввурлар колдиришга, уларни хотирада узок вакт саклаб туриш ва керак вактда эсга туширишга ёрдам бериш асосий омиллардан хисобланади.

Уйин болаларнинг ижодий фаолияти булиб, атроф хаётдаги вокеликни айнан узидагидек эмас, балки уни узича акс эттириш, баъзи нарсаларни узлаштириш, узига уйлаб чикариш жараёнидир. Болалар

кенгайиши уларнинг фикр юритишини шакллантиради.

Усмир укувчилар урганаётган фан асослари уларнинг мавхум тафаккурини устиришга каратилади. Уларнинг акний фаолияти хусусиятларидан бири - мавхум тафаккурининг ривожланишидир. Мактаб таълимни ва мустакил билим олиш фаолияти таъсири остида усмирда аналитик-синтетик фаолият жадал суръат билан ривожлана бошлайди.

Усмирнинг энг мухим хусусиятлардан яна бири мустакил фикрлаш, аклнинг танкидийлиги тез ривожланишидир. Бу эса усмирнинг акний фаолиятида янги давр бошланганини бирдиради. Аклнинг танкидийлиги айрим холларда укутuvчи билан укувчи уртасида «англашилмовчилик гови»ни вужудга келтиради. Аклнинг танкидийлиги усмирнинг асосий хусусиятларидан бири булиб, узгалар мулохозасидан, дарслидан хато ва камчиликлар топишга, уз гапида туриб, айрим фикрларга катъий эътизоз билдиришга уриниб ва бахсланишига мойил буладилар. Тафаккурнинг мустакиллиги инсон учун катта ахамиятга эга. Укутuvчи дарс жараёнида ва дарслардан ташкири вактларда, ҳар кандай оғир шарт-шароитларда ҳам турли усууллар билан бу хислатни куллаб кувватлаши, унинг ривожланиши учун имконият яратиши керак.

Таянч иборалар: усмирлик, усмирларнинг жисмоний ривожланиши, катталар ва тенгкурлар билан муносабати хусусияти, уз-узини англаш, акселерация назариялари, акний камолот.

Назорат саволлари:

1. Усмирлик даврининг асосий хусусиятлари нимадан иборат?
2. Усмирлик ёшидаги жисмоний тараккиётнинг энг мухим фарки нимадан иборат?
3. Усмирларда кандай ижобий ва салбий салбий хислатлар бор?
4. Усмирлар билан катталар уртасидаги узаро муносабат?
5. Усмирнинг психологик хусусиятларини тавсифлаб беринг?

Мавзу: Илк успириналар психологияси.

Режа:

1. Успирин - ижтимоий психологик ходиса сифатида.
2. Мулокот ва эмоционал хаёт.
3. Жамоатчилик ишларидаги фаолиги ва дунёкарашнинг шаклланиши.

4. Хаётний режалар ва касб танлаш.
5. Успириналарда дустлик ва севги-мухаббат.

Таянч иборалар: успириинлик, ижтимоий хаётдаги фаоллик, ташхис маркази, уз-узини англаш, севги-мухаббат ва дустлик хислари.

Успириинлик ёши даврига 14-15 ёшдан 17-18 ёшдаги болалар киради. Бу даврда укувчи жисмоний бакувват, мустакил меҳнат кила оладиган, олий мактабда узини синаб куриш имкониятига эга булади, маънавий жихатдан етуклика эришади. Успириин 16 ёшида мамлакат фукароси ва 18 ёшида эса сайлаш хамда сайланиш хукукига эга булади. Буларнинг барчаси успириинга фукаро сифатида ижтимоий жихатдан вояга етиш, хаётда узурни топиши ва етук шахс сифатида маънавий усиши учун жамики шарт-шароитларни яратади.

Мавжуд шарт-шароитлар остида успирииннинг аклий ва ахлокий жихатдан усишига узига хос сифатлар ва фазилатлар намоён булади. Юкори синф укувчилари ижтимоий хаётдаги долзарб вазифаларни хал килишида фаол иштирок эта бошлайдилар. Ижтимоий хаётда фаол катнашиш, таълим характерининг узгариши йигит ва кизларни илмий дунекараш, баркарор эътиқоднинг шаклланишига, юксак инсоний туйгуларнинг вужудга келишига, билимни узлаштиришга ижодий ёндошиш кучайишига олиб келади.

Успирииннинг оиласида, мактабда меҳнат фаолияти ортади, фанларни ургатишда, касб-хунар танлашда успириналар учун кенг имкониятлар яратиб берилган янги типдаги мактаблар, успириналарнинг мустакил хаётга тайёрлашда муҳим ахамият кассб этмоқда.

Касб-хунар колледжлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кузланган максадларни амалга оширишга, аввало мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий мухитнинг янада шахс - комил инсонларни тарбиялаш ва вояга етказишга хизмат килмоқда.

Академик лицейлар укувчиларнинг кизикишлари ва кобилиятларини хисобга олган холда уларни жадал интелектуал ривожланишини, чукурлаштирилган, ихтисослаштирилган холда укутишни таъминлайди. Ижтимоий хаётда фаол иштирок этиш, йигит ва кизларда илмий дунёкараш, баркарор эътиқоднинг шаклланишига юксак, маънавий хис-туйгунинг вужудга келишига, билимни узлаштиришга жиддий ёндошиш кучайишига олиб келади. Шундай фарзандларимиз борки, улар коллеж ва лицейларда таълим олиш жараённанда маълум йуналиш буйича узларнинг иктидорлари, истеъоддларини намоён этадилар. Бу бойлиқдан окилона фойдаланиш, уни тугри йуналтириш катта ахамият кассб этади. Жойларда ташкил

боглаш билан вокеликка онгли муносабатда булади.

Урганиш жараёни уқитувчи шахсига, унинг педагогик фаолиятга кандай тайёргарлигига, уз билимларини укувчилар олишга, таълимни хаётга ва болалар тарбиясига боғлаб олиб боришга боғлиқдир. Демак, урганишнинг хар иккала томонлама жараён эканлиги, у укувчи ва уқитувчи фаолиятини бошқарилишини талаб килади.

2. Укувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш, таълим жараёнини бошқариш - педагогик психологиянинг хал килиниши лозим булган масалалардан бириди.

Купчилик психологлар таълим жараёнини, яъни укувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш кийин деб таъкидлайдилар. Лекин уни бутунлай бошқариб булмайдиган жараён дейиш нотугриди. Чунки бу аник максад кузлаб таълим бериш гоясига зиддир. Бирок, уқитувчи таълимни ташкил этади, унга раҳбарлик килади, уни амалга оширади дейиш хам уни бошқарилади деган маънони бермайди. Чунки биз бошқариладиган таълим деб шундай таълимни айтамизки, бунда хар бир боланинг харакатлари назорат килиниши, уқитувчи таълимнинг хар бир боскичидаги укувчиларни билимларни узлаштириши ёки муайян куникма ва малакаларни хосил килиш хакида узлуксиз ахборот олиб ва янги материалларни хамда утилган материалларни узлаштирилганлиги характерига караб тақдим килиниши лозим. Уқитувчи таълим жараённанда укувчиларнинг билимларни узлаштириш жараёнини ва аклий ривожланишнинг боришини хамма вакт хам назорат кила олмайди. Бу хозирги таълим жараённинг жиддий камчилигидир.

Жаҳон психологларининг фикрича, билимларнинг бошқариланнинг мумкин булган йули - узлаштириш жараёнини берилган топширикнинг узлаштириш жараёни сифатида маҳсус ташкил этишдир. Бу соҳада яхширок ишланган тизим П.Я.Гальпериннинг аклий харакатларини этап(боскичма-боскич) буйича таркиб топшириш назариясига асосланган таълим тизимиридир. Бу назарияга мувоффик, одамнинг онтогенетик ривожланишидаги харакатлар интериоризацияси деган жараёнлар, яъни ташкил харакатларнинг аста-секин ички аклий харакатларга айланиши жараёнлари руй беради. Даставвал укувчилар ташкил моддий харакат билан иш куради «факат шундан кейингина харакатнинг интеграцияси: яъни унинг ички харакатга, энди бутунлай боланинг аклида вое буладиган харакатга айланиши руй беради», деб ёзади А. Н. Леонтьев (Проблемы развития психики, иккинчи нашри, М.

Таълимни ижодий узлаштириш, урганиш, билим эгаллаш 3 омилга:

1. Нимани укитишга;
2. Ким укитади ва кандай укитишга;
- 3 Кимни укитишга боғлик.

1- холда: укитиш характери узлаштирилётган материалларга, унинг мазмунига ва кандай тизимда етказиб берилаётганилиги боғлик.

2- холда: а) укитувчининг услубий маҳоратига;  
б) иш тажрибасига;

г) унинг билимига боғлик;

3- холда: а) кимни, кандай укувчини укитишга;  
б) психик ривожланишининг индивидуал тавсифномасига;  
в) кизикиш ва хавасларига боғликдир.

Урганиш - билимларни узлаштириш инфомация олиш, эсда саклаш ва уни англаб колишнинги эмас, балки билимларни кейинчалик, укув ишида шунингдек, меҳнат жараёнида, умуман турмушга тадбик килиш кобилиятига эга булишдир.

Билимларни урганиб олиш, уни узлаштириш куйидаги психологик компонентлар асосида булади.

1. Укувчиларнинг укишга ижодий муносабатда булиши :

2. Материал билан бевосита танишиш жараёни :

3. Олинган материални фаол равишда кайта ишлаш жараёни булган фикрлаш (тафаккур )

4 Кабул килинган ва ишлаб чиқилган ахборотни эсда олиб колиш ва эсда саклаш жараёни.

Агар укувчида узлаштиришнинг ана шу компонентларини(таркибий кисмларини) хисобга олиб таълим берилса, хар бир компонентда таълимни узлаштириш жараёнига эътибор берилса, укувчи уни мувафакиятли узлаштиради.

Урганиш - йул-йулакай, тасодифий ва режали булиши мумкин. Йул- йулакай урганиш - турли материал ва инфомацияларни турли шароитда урганишдир. Бунда укувчи материални изланишлар, куп китобларни мутолаа килиш оркали урганади. Бундай урганиш инсон хаётининг турли фаолиятлари давомида руй беради.

Режали урганиш эса материалларни мунтазам равишда режа асосида , максадга каратилган фаолият оркали урганиш демакдир. Шунинг учун хам урганиш – фаолият хисобланади. Урганиш бу стихияли жараён эмас, балки у максадга каратилган, режалаштирилган жараёндир. Урганиш - материални узлаштириш – бу онгли жараёндир. Шунинг учун у фаол жараён хамдир. Чунки укувчи укитувчи томонидан идрок килинган материални узининг тажрибасига , хаётга

килинган ва килинаётган касб-хунар колледжлари, академик лицейлар, вилоятлар марказлари ва шахарларда ташкил этилган Ташхис марказлари 9-синфи тамомлаган ёшларнинг иктидорли ва лаёкатли, кизикишларини уз вактида аниглаш, уни психологик методлар ёрдамида диагностика килишни амалга оширади. Успиринлик даврида аввало узини англашдаги силжиш яккол кузга ташланади - узининг руҳий дунёсини, шахсий фазилатларини кобилият хамда имкониятларини аниглашга интилиш кучаяди, баъзан уз хусусиятларига ортиқча баҳо бериб манманлик, кибрланиш иллатига дучор булади, айрим успиринлар эса аксинча, уз имкониятларига паст баҳо камтарона тутишга харакат киласиди.

Успиринларнинг яна бир мухим хислати – уларда юксак даражадаги дустлик, уртоклик, улфатчилик, мухаббатнинг вужудга келишидир. Аттракция (ёқтириш, узига жалб этиш)деб аталадиган хиссиёт пайдо булади (бу даврларда) ёқтиришдан то севги, мухаббат каби чукур эмоционал боғликлик хам шу хис асосида пайдо булади: ижтимоий психологияда мазкур хиссиётнинг асл сабаблари ижтимоий мотивлари – шерикларнинг битта макон ва замонда эканликлари, тез-тез учрашиб туришлари таъсирида пайдо булади ва успириннинг уз-узини хурмат килиши, бошкалар билан муносабатда токатлирок булишига таъсир курсатар экан, успирин атрофида у ёқтирган ва уни ёқтирадиган одамларнинг булиши катта тарбиявий ахамияга эга.

Дустлик успирин учун «алтер-эга» яъни иккинчи «мен» хисобланиб, у билан бирга дарду-хасратларини мухокама киласиди, одатда бир жинс вакиллари уртасида булади. Асосан 2 киши, баъзан 3-4 киши булиш мумкин. Дустликнинг асосий шарти - узаро бир-бирини тушунишдир. Дустлар гап-сузлар хам юз ифодаси, юришни тушуниб оладилар.

Дустлик - бир-бирини аяш, гамхурлик килиш, куллаб-куватлаш, меҳр, хаталарни биргаликда тузатиш демакдир. Мана шу сифатлар ардокланса дустлик узок давом этади.

Ёш утган сари бу дустлик юксак кадриятга айланади.

Аттракция 2 куринишдадир. У успиринни самимиyрок, хар нарсага кодир ва кучлирок киласиди.

Дастлаб симпатия – ёқтириб колиш боскичи, кейинчалик эса хакикий севги пайдо булади. Баъзи ота-оналар бу даврдаги авждан чучийдилар, баъзи айникса кизларга такиклайдилар хам. Севги – бу ёшлар учун дастлабки хаёт синови эканлигини англаш олишларига ёрдам бериш керак. Успирин йигит билан кизнинг узаро якинлиги, хаётга карашлари, кизикишлари, дидлари, ниятларининг умумийлиги билан характерланади. Успиринларда билимга кизикиш амалий

хусусият касб этади. Сезгирик, кузатувчанлик такомиллашиб боради. Мантикий хотира етакчи роль уйнайди, тафаккур фаол, мустакил ва ижодий хусусиятга эга булиб боради, лекин барча фаолият боскичиди хам мустакил фикр юрита олмайдилар. Хозирги даврда таълим олдиаги мухим вазифа хам ёшларда ёшларда мустакил ва ижодий фикр юритиш куникмаларини шакллантиришдан иборат. Дарслклар, адабий асарлар, вактли матбуот, телевидение ва радио оркали берилётган маълумотлар мунозара ва баҳс, дарсларни янги педагогик технология асосида утиш оркали бунга эришиш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Успиринлик даври ва унинг узига хос хусусиятлари.
2. Успириннинг психологик хусусиятларини тавсифлаб утинг.
3. Успириннинг хис-туйгунлари хакида гапириб беринг.

Адабиётлар:

1. Э.Гозиев «Психология» Т., 1994 й.
2. Э.Гозиев «Олий мактаб психологияси» Т.. 1997 й.
3. М.Г.Давлетшин таҳрири «Ёш ва педагогик психология» Т., 1975 й.
4. Гамезо ва бош. «Возрастная и педагогическая психология» М., 1984 й.

### Мавзу: Таълим психологияси.

Режа:

1. Урганиш тугрисида умумий тушунча.
2. Укувчиларнинг билиш фаолиятини бошкариш.
3. Укув холати (фаолият)нинг турлари ва укиш мотивлари .
4. Таълим жараёнига таъсир этувчи омиллар.
5. Таълим жараёнида билим, куникма ва илмий тушунчаларнинг шаклланиши.
6. Ижодий тафаккур ва унинг таркиб топиши.

Таянч иборалар: Таълим, урганиш, билишни бошкариш. Мотивлар, билим, куникма, тушунча, ижодий тафаккур.

Таълим психологияси - педагогик психологиянинг энг мухим кисмларидан биридир.

Таълим - жуда кенг маънога эга булиб, у билим, куникма ва

малакаларни узлаштириш, урганиш, ургатиш жараёнидир. Бу таъриф хозирги замон таълими учун етарли эмас. Чунки хозир мустакиллик даврида таълим узининг мазмунни билан укувчиларга билим, куникма ва малакалар бериш билан бирга, укувчиларни хозирги замон руҳида миллий кадрлар, жаҳон маданияти ва маорифининг илгор гояларидан оқилона фойдаланиб тарбия берувчи, бола шахсини ривожлантирувчи, уни мустакил фикрлашга ургатувчи, илмий тушунча ва изланишларга лаёкатли килювчи таълим хамдир.

Таълим икки томонлама жараён;

- 1-дан, укувчи томонидан бажариладиган, бошкариладиган,
- 2-дан, укувчи томонидан бажариладиган жараёндир.

Демак, таълим жараёни урганиш ва ургатиш, урганиб олиш ва уни хаётга тадбик этиш хусусияти билан изоҳланади.

Урганиш (уқитиш) - бу укутувчининг укувчиларга билим, куникма ва малакалар бериш, уларда янги ҳакикатни очишга кодир булган ижодий, мантикий тафаккурни тарбиялашдир.

Урганиш- бу укувчиларнинг уқитувчи тамонидан берилган билимларни, кабул килишлари жараёни, узларида билиш кобилиятларини, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларни таркиб топтириш жараёнидир. Бу пассив мушоҳада жараёни эмас, балки уқитувчи томонидан укувчиларга бериладиган билим ва малакаларни фаол равища кайта ишлаш жараёнидир.

Урганишнинг асосий моҳияти шундаки, бунда - укиш жараёнида укувчилар мустакил равища билим ола билиш ва бу билимлардан фойдалана олиш куникмасини уз ичига оловчи аклий ва жисмоний меҳнат элементларини узига синдиради.

Таълимнинг муваффакияти укув материалларнинг мазмунигагина, таълим усуларигагина эмас, балки у куп жихатдан укувчининг кандай укиётганлигини билишга, яъни укувчининг ёш хусусиятларига, аклий тараккиёти ва фаоллигига мувоғик малакаларни узлаштириш жараёнининг психологик асосларини билишга хам боғлиқдир.

Укиш жараёни - укувчининг узига хос хусусиятларига хам, унинг психик ривожланишининг (акллий, змокионал, иродавий жихатдан) индивидуал тавсифномасига, унда укишга нисбатан карор топган муносабатларига, унинг кизикиш-хавасларига боғлиқдир. Бошкача килиб айтганда, таълим жараёни укувчига нимани ва кандай килиб узлаштиришнинг оддий бир хил натижаси эмас, яъни сиртдан таъсир киладиган шарт-шароитларнинг оқибати эмас, балки укувчининг индивидуал-психолок хусусиятларига боғлик равища амалга оширилади.